

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқукида
УДК

МАРУФОВ ШЕРЗОДБЕК ШУКУРЖОНОВИЧ

Мустақиллик йилларида Асаканинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий
тараққиёти.

Мутахассислик: 5А 120301 - “Ўзбекистон тарихи”

Магистрлик академик даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ

Иш кўриб чиқилди
ва ҳимояга қўйилди.
“Ўзбекистон тарихи” кафедраси
мудири, доцент, т.ф.н.
М.Ғ.Абдуллаев

Илмий раҳбар:
проф, тарих фанлари
доктори Р.Т.Шамсутдинов

АНДИЖОН – 2014

Мундарижа

Кириш.....	3-10
1-боб. Асаканинг мустақиллигига қадар бўлган тарихи.....	11-30
1.1 Асака тапономи хусусида.....	11-16
1.2 Асаканинг қадимги, ўрта асрлар ва Қўқон хонлиги давридаги тарихи.....	17-23
1.3 Чор Россияси мустамлакачилиги ва совет тотолитар тартиботи йилларида Асака шаҳри.....	24-30
2-боб. Мустақиллик йилларида Асаканинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти.....	31-48
2.1. Асака саноатининг юксалиши.....	31-36
2.2. Асака-машинасозлар шаҳри.....	37-43
2.3. Қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришлар.....	44-48
3-боб. Асака шаҳрининг мустақиллик йилларидаги маънавий камоли.....	49-60
3.1. Мустақиллик йилларида таълим ва фанни юксалиши.....	49-55
3.2. Соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт.....	56-60
Хулоса.....	61-62
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	63-67

Иловалар

Кириш.

Мавзунинг долзарблиги. Юрт тарихини ўрганиш, аجدодларимиз ўтмиш ҳаётига оид воқеа-ходисаларни таҳлил этиб, бугунги кунги ютуқларимизга таяниб, келажак авлодларга муносиб шарт-шароитлар яратиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро Президентимиз таъкидлаганидек “...Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ. Бу ҳақиқат кишилиқ тарихида кўп бора исботини топган.”¹ Шу боис ҳам мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ биз бой маданий меросимизни, ўз она тарихимизни бор бўй баста билан ҳаққоний тиклашга киришдик. Президентимизнинг “Мадомики, ўз тарихини билган, ундан рухий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур”² деб берган хулосалари тарихчи олимлар учун дастур бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон тарихини ўрганиш тарихшунослиқ фани учун муҳим масала бўлиб, мавжуд муаммоларни таҳлил этиш, тарихнинг жумбоқли тамонларини ёритиш, энг аввало, мамлакатимиз ҳудудида дастлабки элатларнинг қай йўсинда шаклланганлиги, қадимги ўзбек давлатчилиги тарихининг вужудга келиш омилларини ёритиш, қолаверса давлатчилик тараққиётининг кейинги босқичларида рўй берган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, миллий истиқлол даври тарихини чуқурроқ тадқиқ этиш, алоҳида илмий изланишларни, етук ғояларни мужассам этишни талаб этмоқда.

Ўзбекистон тарихининг ажралмас ва энг асосий мағзини ташкил этувчи вилоятларимиз ҳамда шаҳарларимиз тарихини ўрганиш ва илмий таҳлил этиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистоннинг шарқий ҳудуди бўлган Андижон вилояти ўзининг бетакрор маданияти, санъати, бебаҳо ижтимоий турмуш тарзи билан жаҳон тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Андижон вилоятида алоҳида нуфузга эга бўлган Асака шаҳри тарихига назар солсак, Асака нафақат Андижон вилоятидаги, балки Фарғона водийсидаги сўлим ва орамбахш бой маданий тарихга эга шаҳарлардан бири ҳисобланади. Асака эрамиздан аввалги III –эрамизнинг II асрларида мавжуд бўлган Қадимий Фарғона давлати, яъни “Довон” давлатининг пойтахти бўлмиш Эрши шаҳрига яқин жойлашгани боис ҳам қадимдан тараққий этган.

Асаканинг қадимги тарихи Фарғона водийсининг Аҳси, Қува, Андижон, Эрши каби қадимий шаҳарлари атрофидаги қишлоқлари тарихи билан бевосита боғлиқ.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Тошкент, Шарқ. 1998.-Б.4.

² Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.-Тошкент. Шарқ. 1998. –Б.7.

Тарихдан маълумки эрамиздан аввалги II асрдан бошлаб эрамизнинг бошларида Шарк билан Ғарб-Осиё билан Европани боғловчи “Буюк ипак йўли” орқали савдо-сотиқ кучаяди.

“Буюк ипак йўлининг” ҳозирги Асака орқали ўтган бир тармоғи Аравондан қадимги Эрши томонга туташган бўлиб, ушбу тармоқ Аҳси-Қува тармоғига қўшилган. Ҳозирги Асака-Ўқчи- Марҳамат-Аравон ва Марҳамат-Қува йўллари қадимий қарвон савдоси йўлларида тарихий ёдгорликдир. Ҳозирги Асака “Буюк ипак йўли” бўйлаб қатнаган машҳур савдогарлар қўниб ўтадиган қадимий маскан бўлган. Бу Асаканинг тараққиётида муҳим роль ўйнаган. Буни Шўртепа ёдгорлигида олиб борилган археологик тадқиқотлар исботлаб турибди.

Асака ҳудудларига илк ўрта асрлар даврида яъни милодий VI асрларга келиб туркий халқларнинг кириб келиб ўтроқлашуви натижасида аҳоли сони кўпайиб, ҳудуд янада ободонлашган. Бу ҳудуд XIV-XV асрларда яъни Амир Темур ва Темурийлар даврида, сўнгра Бобур даврига келиб экинзор ерлар, мевали боғларни кенгайтириш натижасида водийнинг сўлим гўшаларидан бирига айланди.

Қўкон хонлиги даврида (1710-1876йй) Асакада кенг кўламда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Айниқса Умархон (1810-1822йй), Муҳамадалихон (1822-1842йй), Худоёрхон (1845-1858; 1863 май-июнь; 1865-1875йй)лар ҳукмронлиги даврида бу ерда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Чор Россиясининг Андижон шахрини эгаллаши натижасида рус маъмурлари Асака ҳудудининг ҳам деҳқончилик қилиш учун ҳосилдор серунум ерга эга эканлигини аниқлаб, келажакда Россиянинг пахта хом-ашёси билан таъминлашда муҳим ҳудуд эканлигини ўрганди. 1899 йил Тошкент-Андижон темир йўли қурилиши муносабати билан Асакада узунлиги 4 километр масофани эгаллаган темир йўл шахобчаси ўтказилди. Шундан сўнг Асакада европалик, хусусан рус ва маҳаллий бойлар пахтани қайта ишловчи саноат корхоналарини қура бошладилар. Асака шаҳрида совет ҳукмронлиги йилларида миллий тутқинлик, ғоявий-маънавий зўравонликлар туфайли қатағонлик, урф-одатлар, анъаналар, қадриятларни камситишларни бошдан ўтказди. Ҳатто шаҳар номини “измлар”, “қолип”лар, сиёсатлар гирдобиди унуттиришга урунишлар бўлди; Асака номи 1937 йилдан то мустақиллик йилларигача (1991 йил 30 октябргача) Ленинск деб юритилиб келинди. Бироқ бу камситиш сиёсатига қарамай халқ тинимсиз меҳнат қилиб, ўзаро ҳамжиҳатлик, фидойилик, ҳамдардлик, фаоллик, инсонпарварлик, миллий тотувликка таяниб, деҳқон хўжаликларини коллективлаштириш, деҳқончилик, ҳунармандчилик, саноат, савдо-сотиқни ривожлантирдилар. Халқ маънавий маданиятининг ўсиши учун совет тузумининг бир томонлама маънавий-ғоявий тутқун сиёсатига қарамай халқ таълими, маданият, тиббиёт ва ижтимоий турмуш тарзига хос тарихий аҳамиятга эга ижобий

ютукларга эришдилар. Мустақиллик йилларида Асака шаҳри тубдан янгиланиш даврига қадам қўйди.

Мустақилликни дастлабки кунлариданоқ 1991 йил 30 октябрда унинг табаррук, қадимий Асака номи қайта тикланди. Асака том маънода саноатчилар шаҳрига айланди. Бугунги Асака Ўзбекистон автомобилсозлигининг бешиги ҳисобланади. Шаҳарда мустақиллик йилларида саноат халқ-хўжалигининг бошқа тармоқлари ривожланиши билан бирга шаҳар ҳар жиҳатдан қурилмоқда. Асаканинг қиёфаси тубдан ўзгариб, истироҳат боғлари, замонавий бинолар, дам олиш масканлари, маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари, транспорт, алоқа, замонавий компьютер тизимлари яратилди. Асакада мустақиллик туфайли мулкдорлар синфи шаклланиб, ерга эгалик қайфияти пайдо бўлди. Фермерлар жамият тараққиётининг асосий иқтисодий таянчига айланиб, қишлоқ хўжалиги ҳам жадал ривожланмоқда.

Ушбу магистрлик диссертациямизда биз Асака шаҳрининг бой маданий тарихига бир назар ташлаш асносида мустақиллик йилларида юртбошимиз назари тушган Асака шаҳрида рўй берган бунёдкорлик ишлари, саноат, халқ ҳунармандчилиги, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданият, соғлиқни сақлаш тизимидаги ҳамда маориф соҳасидаги ўзгаришларни бирламчи манбалар, вақтли матбуот материаллари, норатив манбалар асосида ёритишни мақсад қилиб қўйдик. Мавзунинг долзарблиги айнан шулар билан изоҳланади.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси шундан долалат берадики қадимий ва ҳамиша навқирон Асака шаҳрининг қадимдан то ҳозирги кунигача бўлган тарихи яхлит, бир бутун ҳолатда тўлиқ ва бекамикўз ёритилган эмас. Бу кўхна замин тарихининг фақат айрим даврларига, баъзи бир масалаларга бағишланган кичик-кичик рисола, мақолалар бор ҳолос. Хусусан “Асака” топонимининг келиб чиқиши хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини таниқли олимлар Т.Ширинов, Б.Матбобоев, Р.Т.Шамсутдинов, С.Қораев, Б.Аҳмедов, С.Раҳмоновлар ўз асарларида бериб ўтишган.¹

Асаканинг қадимги ва ўрта асрлардаги тарихчи тадқиқотчилари томонидан шу кунга қадар деярли ўрганилмаган.

XVIII-XIX асрларга келиб яъни Қўқон хонлиги давридан бошлаб Асака ҳам кўплаб манбаларда қайд этила бошланди. Асака шаҳрининг ушбу даврларга оид тарихи мазкур даврда яшаб ўтган муаррихларнинг асарларида анча батафсил берилади. Чунончи, Мулла Ниёз Муҳаммад Хўқандийнинг “Тарихи Шохрухий”, Мулла Олим Бухорийнинг “Тарихи Туркистон”, Ҳакимхон Тўранинг “Мунтахабит-таворих”, Аваз Муҳаммад Атторнинг

¹ Матбобоев Б. “Фарғонанинг самовий тулпорлари” // Халқ сўзи 1997 йил 8 март; Шамсутдинов Р., Исоқов А. Андижон тарихидан лавҳалар. Тошкент, SHARQ. 2013; Қораев С. Географик номлар маъносини биласизми? Тошкент, Ўзбекистон. 1978; Аҳмедов Б. Историко-географическая литература Средней Азии XVI-XVIII вв. (писменные памятники). Тошкент, Фан. 1989; Раҳмонов С. Асака. Тошкент. Ўзбекистон. 1999.

“Тарихи жаҳоннома”, “Тарихи Хўқанд” асарларида ва бошқа манбаларда Асака тарихи ҳақида қимматли маълумотлар келтирилди. Ушбу асарлар орқали биз Асака ҳудудларида Қўқон хонларидан Амир Умархон (1809-1822йй), Муҳаммад Алихон (1822-1842йй), Худоёрхон (1844-1858,1862-1876йй)лар даврларида олиб борилган бунёдкорлик, ободончилик ишлари ҳақида маълумот олишимиз мумкин.

Асака шахрининг Қўқон хонлиги давридаги тараққиёти Набиев А., Хурилов Т асарларида ҳам атрофлича берилади.¹ Ушбу асарда Умархон, Нодирабегим ва ўғли Муҳаммад Алихонларнинг Қорадарёдан бу ерга сув олиб келиб “Нодирабегим ариғи”ни барпо этилиши ҳақида қимматли маълумотлар берилади.

Асака шахрининг кейинги чор Россияси мустамлакачилиги ҳамда совет тоталитар тартиботи давридаги тарихи ҳам қатор асарларда ёритилади.² Уларда асосан кўпроқ ушбу даврларда мустамлакачи маъмурлар томонидан бутун Туркистонда бўлгани каби Асакада ҳам ўз бошқарув маъмуриятини ўрнатилиши хом-ашё манбаига айлантириш борасида юритган сиёсати, завод ва фабрикаларнинг барпо этилиш жараёнлари баён этилади.

Асака шахрининг қадимги даврлардан то бугунги кунга қадар бўлган тарихининг айрим тамонлари Собиржон Раҳмонов, Олимжон Раҳимов, Тўлқин Комиловнинг асарларида ҳам ёритиб ўтилган.³ Муаллифлар ўзлари тўплаган маълумотлар асосида баҳоли қудрат Асаканинг ижтимоий-иқтисодий маданий ҳаётига оид қимматли маълумотларни ўз асарларида ёритилган.

Асака шахрининг тарихи қисқа равишда Ўзбекистон миллий энциклопедиясида ҳам ёритилган.⁴ Унда кўпроқ Асака шахрининг қадимги даврдан то бугунги кунгача бўлган тарихи олиб борилаётган бунёдкорлик масалалари атрофлича баён этилади.

Асаканинг мустақиллик йилларидаги тарихи профессор Р.Т. Шамсутдиновнинг асарларида ҳам қисқача тарзда ёритилади.⁵ Олим ўз асарларида мустақиллик йилларида Асакада барпо этилган корхоналар, хусусан автомобил заводи, шаҳарда олиб борилаётган улкан бунёдкорлик масалаларига тўхталиб ўтган.

Мавзунинг тарихиунослиги масаласидан шу аён бўладики, Асака шахрининг қадимдан шу кунга қадар тарихини ўзида мукаммал жамланган асар хали тарихчиларимиз

¹ Набиев А., Хурилов Т. Бобур тавоф айлаган диёр. Тошкент, Мехнат. 1993.

² Жалилов С. Фарғона водийсининг суғорилиш тарихидан (XIX-XX аср бошлари) Тошкент, Фан. 1977; Шамсутдинов Р., Хошимов С., Бозоров Қ. История Андижана в документах и материалах (1876-1917 гг). Том первый Andijan nasriyot-matbaa 2009; Ўша муаллифлар. История Андижана в документах и материалах (1876-1917гг) Том второй. Тошкент, SHARQ.2012. Шамсутдинов Р.Т. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари. Тошкент. Шарқ. 2001; Унинг ўзи. Қишлоқ фожиаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида) Тошкент, Шарқ. 2003.

³ Раҳмонов С. Асака. Тошкент. Ўзбекистон 1999; Раҳимов О. Қайрағочариқ қишлоғи. Андижон. Андижон нашриёти. 2001; Комилов Т. Асакалик азаматлар. Андижон. 1998.

⁴ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1-жилд. Тошкент, 2000.Б.443-446.

⁵ Шамсутдинов ва бошқалар. Қўхна ва навқирон Андижон.Тошкент SHARQ. 2010. ; Шамсутдинов Р., Исоқов А. Андижон тарихидан лавҳалар. Тошкент, SHARQ. 2013

томонидан яратилмаган. Айниқса, мустақиллик йилларида Асака шаҳрида юз берган буюк ўзгаришларни ўзида акас эттирган мукаммал тадқиқотлар ҳозирча йўқ. Шу боис ҳам биз айнан шу мавзунини тадқиқот объекти қилиб танладик.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундан иборатки, ушбу магистрлик диссертациямизда бугунда Ўзбекистон автомобилсозлигининг бешиги ҳисобланган Асака шаҳрининг тарихига оид илмий адабиётлар, норатив манбалар, архив ҳужжатлари ўрганиб чиқилди. Натижада Асака шаҳрининг қадимги, ўрта асрлардаги ҳамда Кўкон хонлиги давридаги тарихи кўплаб илмий асарлар орқали қисқача талқин қилинди. Шунингдек, диссертациямизда шаҳарнинг Чор Россияси ва совет ҳокимияти йилларидаги аҳоли ҳақида илмий адабиётлардаги мавжуд маълумотлар жамланиб умумий хулосалар берилди.

Тадқиқотда мустақиллик йилларида Асакада юз берган туб ўзгаришлар, шаҳар саноатини юксалиши, автомобилсозлар шаҳрига айланиши, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданият ҳамда спорт, соғлиқни сақлаш соҳасида эришган ютуқлари мавжуд илмий адабиётлар, мақолалар, матбуот материаллари, архив ҳужжатлари ва норатив манбалар асосида илк бор тадқиқот объекти сифатида ўрганилди.

Тадқиқотнинг даврий чегараси. Мазкур магистрлик диссертацияда мустақиллик йилларида Асака шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётини ёритиш кўзда тутилган. Магистрлик ишимизда Асака шаҳрининг қадимдан шу кунга қадар бўлган тарихига қисқача тўхталган ҳолда асосан мустақиллик йилларидаги Асака шаҳри тарихи ёритилади. Шу боис ишнинг даврий чегараси 1991 йилдан 2014 йилга қадар бўлган даврни ўз ичига олади.

Диссертациянинг амалий аҳамияти. Магистрлик диссертациянинг тадқиқот қисми ва хулослари Ўзбекистон тарихини янги илмий маълумотлар билан бойитишга хизмат қилади. Шунингдек, Ўзбекистон тарихи курсларида мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг саноат ва қишлоқ хўжалиги тарихини, ҳунармандчилик ва савдо муносабатлари тарихини ўрганишда, маданият ва фан, соғлиқни сақлаш ҳамда спорт соҳаларини ёритишда маърузалар амалий машғулотларда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг назарий-методологик асоси. Тадқиқотда ўрганилаётган муаммони тўғри талқин этишда илмий билишнинг холислик, ҳаққонийлик тамойилларига амал қилинди. Турли илми асарлар, манба, ҳужжатлар ва норатив манбаларни таҳлил қилишда уларга қиёсий ва танқидий нуқтаи назардан ёндошилди. Давр хусусиятларини назарда тутган ҳолда воқеалар тарихийлик, тадрижийлик, цивилизацион ёндашув усуллари асосида умумлаштирилди ва таҳлил қилинди.

Тадқиқотнинг назарий-методологик асосини ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарлари, маъруза ва нутқларида илгари сурилган илмий-назарий кўрсатмалари, шунингдек Асака шахрига 1992 йилда ҳамда 1996 йилларда ташриф буйириб “ЎзДЭУавто” қўшма корхонасини очилиши тантаналарида сўзлаган нутқлари муҳим аҳамият касб этди.

Диссертациянинг манбавий асослари. Маълумки тарих мавзусидаги ҳар қандай тадқиқот ишончли ва мустаҳкам манбавий асосга таяниши тақозо этади. Шу боис магистрлик тадқиқотимизда тегишли материаллар ва ҳужжатларни баъзиларини биз Асака туман ҳокимлигининг жорий архивидан, Асака туман халқ таълими бошқармаси жорий архивидан ҳамда Асака Давлат архивидан олишга муяссар бўлдик. Шунингдек мавзуга оид турли даврларда нашр этилган илмий адабиётлар, дарсликлар, қўлланмалар, рисоалар, даврий матбуот материалларидан ҳам унумли фойдаландик. Норатив манбалар ҳам тадқиқот ишимизнинг манбавий негизининг муҳим таркибий қисмини ташкил этди.

Тадқиқотнинг тузилиши кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

1-боб. Асаканинг мустақиллигига қадар бўлган тарихи.

1.1. Асака тапономи хусусида.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини кўлга киритган дастлабки кунлариданоқ ўтмиш тарихимизга янгича қараш, уни чуқур илмий таҳлил қилган ҳолда, ҳақоний ўрганишга алоҳида эътибор берила бошланди. Жумладан, Ватаними ҳудудида шаҳарларнинг пайдо бўлиши масаласи, таракқиёт динамикаси, урбанизация муаммоларини ўрганишга кенг эътибор қаратилмоқда.

Шаҳарларимиз тарихига узоқ вақтгача совет тарихшунослигида эътибор берилмай келинди. Айримларини эса атайлаб, тарихини унуттириб советлар даврида барпо этилган янги шаҳарлар сифатида кўрсатишга ҳаракат қилинди. Хусусан, 1937 йилдан то мустақиллик кунларигача (1991 йил 30 сентябрьгача) Ленинск деб юритиб келинган Асака шаҳри ҳам. Советлар даврида янги шаҳар деб эътироф этилган Асака шаҳри аслида қандай мавжуд эди.

Тарихчи олимларнинг таъкидлашича, Асака номи қадимги ва илк ўрта асрлар ёзма манбаларида учрамайди. Бироқ бундан шаҳар узоқ тарихга эга эмас эканда, деган хулоса чиқармаслик керак. Фикримизни кейинги йилларида олиб борилган илмий ва археологик тадқиқотлар тўлиқ исботлайди.

Шаҳар номининг келиб чиқиши ҳақида турли фикрлар мавжуд. Профессор Т.Ширинов “Асака” номини Фарғонада мил авв VI-V асрларда яшаган сак қабилалари билан боғлайди. Олим бу қабила қадимги юнон ва ҳинд манбаларида “ассакенлар” номи билан ҳам юритилганини қайд этади. Уларда “аскава”-от, “ассака”-отлиқлар маъносини билдирган.¹

Тарихчи Б.А.Литвинский ҳам Т.Ширинов фикрини тасдиқлаган ҳолда қадимги Помирда яшовчи сак қабилаларининг юрти Ассакана, ҳалқи эса Ассак(е)лар деб аталгани ва бу ўлкадан Александр Македонский Ўрта Осиёдан Ҳиндистонга ана шу йўл орқали ўтганлигини таъкидлайди.²

¹ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. Тошкент, 2000. –Б.443.

² Литвинский Б.А. Древние Кочевники “Крыши мира” Москва, 1972.-С.165

Археолог Б. Матбобоев юқоридаги фикрни водийнинг шарқий қисмидан топилган тошлардаги отлар тасвири билан асослашга ҳаракат қилган ва шу жойларда наслдор отлар етиштирилган деб Асака тарихини Довон (қадимги Фарғона) давлати тарихи билан боғлиқ деб ҳисоблайди. Унинг талқинича, Асака сўзи жонли ҳинд тилида “асвака” от, “ассага, ассака” отлиқлар, чавондозлар деган, яъни ассака-отлиқлар юрти деб эътироф этади.¹

Маълумки, мил.авв. III милодий II асрларда қудратли Довон давлати мавжуд эди. У Хитой манбаларида “Дай юань” деб тилга олинади. Унинг пойтахти Эрши (ҳозирги Мархамат тумани) бўлиб, бевосита Асакага яқин жойлашган. Айнан мана шу ҳудудларда илмий манбаларда таъкидланганидек, наслдор отлар етиштирилган. Қолаверса, бу маълумотлар археологик материаллар орқали исботланган.

Хитой тарихчиси Сима Цзян (мил.авв. 145-86 й) “Тарихий хотиралар” номли асарининг 123-бобида Довон давлати ва унинг аҳолиси тўғрисида қимматли маълумотлар беради. Шунга кўра, таърифи дунёга донғи кетган “Самовий тулпорлар” Довонда етиштирилган. Уни қўлга киритиш мақсадида, Хитой императори Уди (мил.авв. 140-87й) саркарда Ли Гуангли бошчилигида қўшинни мил.авв.104-102, 101-99 йилларда Довонга юборади.

Бу ҳарбий юриш ҳақида кўплаб манбаларда қайд этилган. Хусусан, “Ихшид Муғовонинг ўғли Муғўғлон ўз бошқарувидаги унинг исми билан аталадиган Муғўғлон (Марғилон) ва Кубо кентларидан уч минг чақир билан Асакага етиб келганида, адир орқали Эршини кун ботиш томонидан қамал қилиш учун кетаётган Ли Чи илғори билан тонгда тўқнашиб қолди. Шахрихонсой билан Ассака адир ўртасидаги оралиқ тор бўлганлиги учун илғор кетидан изма-из келаётган душманнинг асосий қисми қисикқа интилди. Муғўғлон дарҳол човкарларини Ассака адири қисигининг икки томонига жойлаштирди...”.² Бунда Ўшдан кириб келаётган Хан қўшинларининг тўхтатиш ва ортга қайтариш учун Некат (Навкат), Асака, Кубо, Мўғўғлон, Канд, Гесай (Косонсой), Чуст кентларидан беклар бошчилигида чокирларининг етиб келиши Хитой қўшинларининг мағлубияти билан якунланади.

Демак, Асакани Довон давлати тарихи билан боғловчи бу каби маълумотлар бизга яқдил хулоса чиқаришимизга ёрдам беради.

Аммо бир қатор олимлар борки, улар Асака номи ва унинг тарихини илк ўрта асрлар билан боғлайди. Масалан, профессор А Тешабоев Асака тарихи хусусида фикр юритар экан, ўзгачароқ фикрга боради. Қадимги турк тилида “асс” бургут, лочин деган маъноларни англатган. Қадимги турк уруғлари ичида “асс” бургут уруғи ҳам бўлганлиги

¹ Матбобоев Б.Х. Фарғонанинг самовий тулпорлари. Халқ сўзи. 1997 йил 8 март.

² Эгамбердиев М. Сарик аждар ҳамласи. Тошкент. F Фулом 1988. -Б..372.

тўғрисида айрим тарихий манбаларда маълумотлар бор.¹ Бу ўринда Б. Аҳмедовнинг Асака тарихини “асс” уруғи билан боғловчи фикрини келтириб ўтишимиз мумкин. Олимнинг фикрича – ҳозирги Асака ва унинг атрофларига назар ташласангиз, унинг жуғрофий ўрни шундаки, ҳозирги Андижон ва Асака адирларини қирқиб ўтган жойдаги водийда “асс” уруғи яшаган.² Бу мулоҳазани А. Муҳаммаджонов ҳам тасдиқлаб, унга кўра Асака номи аслида “ассакал” шаклида бўлиб, унинг “асс”- туркий уруғ, “кал-кас” қадимги турк тилида, сув маънолари бор. Яъни асслар сойи, ариғи деган хулоса билан изоҳлайди.

Асака номи ва унинг тарихини асс уруғи билан боғлиқлигини олимлар милоднинг VI асрида ҳозирги Марказий Осиё ҳудудига кўчиб келган қадимги туркий қабилалар дўрмон, арғин, баҳрин, асс, қўшчи, жалойир, арлай каби 70 дан ортиқ қабилаларнинг ўтроқлашиши ва кейинчалик яратилган “Баҳр ул-асрор”, “Дастур ул-мулк” каби ёзма манбалар асосида ўз фикрларини баён этишган.

Бироқ, А.Бегматов – “Асака тарихини XV аср охири ва XVI аср бошларидан ҳисоблаш мантиққа яқинроқ бўлади”³ – деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, Асака номи Ахсикат номидан келиб чиққан. Тарихдан маълумки, Ахсикат ёки Ахси шаҳри- Сирдарё бўйидаги қадимги шаҳар, ўз даврида йирик маданий ва илмий марказлардан бири бўлган. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида баён қилинганидек, 1493 йили юз берган зилзила оқибатида Ахси вайрон бўлиб кетади. Омон қолган аҳоли турли ҳудудларга тарқаб, уларнинг бир қисми ҳозирги Асака ҳудудига келиб жойлашади. Сабаби Асака Ахсикатга ўзининг табиий географик жойлашуви, баҳаво ва гўзаллиги билан ўхшар эди. Вактлар ўтиб, Ахсикат халқ орасида Асака номи билан юритила бошлаган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Асака номи ва унинг тарихи ҳақида турди фикрларда бўлсаларда, улардан тарихчи олимлар Т. Ширинов, Б.Литвинский, Б.Матбобоевларнинг фикрларига қўшилиш мумкин.

Қадимги Асака ҳудудида аҳоли ярим кўчманчи ҳаёт кечиришган. Асака адирларида чорвачилик, йилқичилик билан шуғулланган бўлса, Қорадарёнинг ирмоқлари Аравонсой ва Окбўйрасой бўйларида суғорма деҳқончилик билан машғул бўлганлар, айнан Асаканинг ривожланиши деҳқончилик қишлоқларининг кичик шаҳар тусини олиш билан бошланган. Зеро, Хитой манбаларида, Довон давлатида 70 дан ортиқ шаҳарлар мавжудлиги ҳаида маълумотлар учрайди. Археологик А. Анорбоев таъкидлаганидек, ушбу шаҳарлар қаторига йирик қишлоқларни ҳам санаганликларини эътироф этади. Шу боис, ушбу даврга оид Асака

¹ Раҳмонов С. “Асака”. Тошкент, 1999 й. –Б.14.

² Аҳмедов Б. Историко-географическая литература Средней Азии. XVII-XVIII вв. (письменное памятники). Ташкент. 1989.-Ст. 71.

³ Бегматов А. Асака номи қердан олинган?. Андижоннома газетаси. 1996 йил 13 август сони

худудида археологик олимлар томонидан аниқланган Қоратепа ёдгорлигини шулар жумласига қўшиш мумкин.

Бунда, Асаканинг ривожига қадимий катта шаҳарлар-шарқдан Андижон, ғарбдан Қува, жанубдан Мингтепа (Эрши) билан ёнма-ён жойлашганлиги бевосита таъсир кўрсатиб келган. Бундан ташқари, Асаканинг яна бир тарихий ютуғи борки, унинг “Буюк ипак йўли”да жойлашганлигидадир. Милоднинг I-IV асрларида шарқ ва ғарбни боғлаган бу йўл Қошғар давонидан ўтиб иккига бўлинган. Бири жанубга бурилиб, ҳозирги Афғонисон, Эрон бўйлаб Ўрта ер денгизи қирғоқларига кетган. Яна бир Иссиқ кўл томон кетган, яъни Ўзган, Ўш, Аравон, Қува орқали ғарбга-Ахси томон йўл олган. Ҳозирги Асака орқали ўтган яна бир тармоғи эса Аравон-қадимги Эрши томон йўл билан туташиб, ухам Ахсикат-Қува тармоғига қўшилган. Зеро, С Раҳмонов айтганидек, ҳозирги Асака-Ўқчи, Аравон, Қува, Марҳамат йўллари қадимий карвон савдоси йўлларида бири бўлган.

Демак, кейинчалик илк ўрта асрларда “Буюк ипак йўли”нинг ривожини Асаканинг ижтимоий, иқтисодий ўсишига олиб келган.

Археолог Б. Матбобоев таъкидлашича, илк ўрта асрларда Фарғона водийсида қишлоқлар сони кўпаяди, қишлоқ ва шаҳарлар ўртасида фарқлар янада камаяди. Бундай қишлоқларнинг катталигидан ҳайратда қолган араб географлари шундай ёзадилар: “Қишлоқларнинг кўплиги жиҳатидан Моварауннаҳрда Фарғонага тенг келадигани йўқ. Аҳолининг кўплигидан қишлоқларнинг баъзилари ниҳоятда катта, уни ўтиш учун бир кун йўл юриш керак бўлади”¹ деб ёзадилар. Бундай қишлоқлар археологлар томонидан Асака худудида 10 га яқин аниқланган бўлиб, уларнинг баъзилари тўлиқ ўрганилмаган. Агар тарихчи археолог олимларимиз томонидан Асака худудида жиддий тадқиқот ишлари олиб борсалар, бир қатор ечимини топмаган саволларга жавоб топишимиз мумкин бўлар эди. Чунончи, Ибрат ўзининг “Тарихи Фарғона” асарида “Мусулмонлар асрида Марғиноннинг пойтахти Ёрмозор бўлиб, Намонгонни пойтахти Тўрақўрғон бўлиб, Андижоннинг пойтахти Асака”², -деб бежиз айтмаган. Ўйиборли тамони шундаки, Ибратнинг Фарғона водийси шаҳарлари хусусидаги фикрлари археологик тадқиқотлар давомида ўз тасдиғини топмоқда. Ажаб эмаски, Асака шаҳри ҳам бундан мустасно бўлмаса.... Биз эса бугунги кунгача маълум бўлиб келган баъзи маълумотлар асосида мулоҳаза қилдик, холос.

1.2. Асаканинг қадимги, ўрта асрлар ва Қўқон хонлиги давридаги тарихи.

¹ Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Тошкент. Шарқ. 2001.-Б.192-193.

² Ибрат. Фарғона тарихи. Тошкент, Камалак. 1991.-Б.283.

Асаканинг қадимги ва ўрта асрлар даври вилоятимизнинг бошқа ҳудудлари каби махсус ўрганилмаган. Шундай бўлса-да, Фарғона водийсининг умумий тарихи асосида яхлит ҳулосалар чиқариш мумкин. Водий тарихи, хусусан унинг жанубий-шарқий ҳудудлари археологиклар томонидан ўрганилган. Бу томонлардаги археологик ва тарихий ёдгорликларни илмий асосда ўрганиш Фарғона водийси ҳам Қадимги Шарқ, Юнонистон каби жаҳон цивилизацияси ўчоқларидан бири эканини англатади. Археологиклар томонидан олиб борилган тадқиқотларда Фарғонанинг жанубий қисмида милoddан аввалги бир миллион йиллар илгари дастлабки одамлар яшаган манзилгоҳлардан бири эканлигини исботлади.

Асака ва унинг атрофига назар ташласангиз, унинг географик ўрни шундаки, ҳозирги Андижон ва Асака адирларини қирқиб оққан қадимий дарё бўлган, дарё адирликдан пастга тушган жойдаги водийда “асс” қабиалари ўрнашган, улар дарёнинг икки соҳилида ҳаёт кечиришган. Шунга кўра баъзи олимлар “Асака”номини биз юқорида қайд этиб ўтганимиздек “асс” қабиалари номи билан ҳам боғлашади.¹

Маълумки, милoddан аввалги III асрларда милодий II асрга қадар қадимги Давань давлати ҳукмронлик қилган. Давань давлатининг пойтахти Эрши шаҳри бўлган (асрлар ўтиши билан шаҳар бошқа қисмга кўчиб, ундан ҳозирги Мингтепа сақланиб қолган). Ҳозирги Асака ҳудуди бевосита қадимги пойтахти Эрши шаҳрига яқин жойлашган. Бу эса Асаканинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Асаканинг қадимги тарихи Фарғона водийсининг Аҳси, Кува, Андижон каби қадимий шаҳарлари атрофидаги қишлоқлари тарихи билан бевосита боғлиқ.

Эрамининг I-IV асрларида Шарқ билан Ғарб-Осиё билан Европа ўртасида машҳур “Буюк ипак йўли” орқали савдо қарвонлари қатнови ривожлана бошлаган. “Буюк ипак йўли” Қашғар давонидан ўтиб икки тармоққа бўлинган. Бири жанубга бурилиб ҳозирги Афғонистон, Эрон бўйлаб Ўрта Ер денгизи қирғоқларига кетган, яна бири-Иссиқкўл тамон бурилиб, яна иккига ажралган, ўнг томонидагиси-Жанубий Сибирьга, чап томонидагиси-тоғ оралаб Фарғона водийси томон кириб келган, яъни Ўзган, Ўш, Аравон, Кува орқал Ғарбга Аҳси тамон кетган. Ҳозирги Асака орқали ўтган яна бир тармоғи эса Аравондан қадимги Эрши тамон тушган йўл билан тушиб, уҳам Аҳси-Кува тармоғига қўшилган. Ҳозирги Асака-Ўқчи-Мархамат-Аравон ва Мархамат-Кува йўллари қадимий қарвон савдоси йўлларида хисобланади. Ҳозирги Асака “Буюк ипак йўли” бўйлаб қатнаган савдогарлар қўниб ўтадиган қадимий маскан бўлган.²

¹ Қаранг: Қораев С. Географик номлар маъносини биласизми? Тошкент, Ўзбекистон. 1978, -Б.19; Аҳмедов Б. Историко-географическая литература Средней Азии XVI-XVIII вв. (письменные памятники) Ташкент, Фан. 1989. –С 20,71,81.

² Раҳмонов С. “Асака”. Тошкент, Ўзбекистон. 1999 й. –Б.15.

VI аср ўрталарида Олтой, Жанубий Сибирь, хозирги Муғулистон яъни Отукан водийсида Турк ҳоконлиги ташкил топган. Тарихдан маълумки ушбу ҳоконлик 563-567 йилларда Ўрта Осиё ерларини ишғол этади. VI асрнинг 80- йилларига келиб Турк ҳоконлиги иккига Ғарбий ва Шарқий ҳоконликларга ажралади. Шарқ Турк ҳоконлиги Мўғилистон ҳудудларини, Ғарбий Турк ҳоконлиги эса, Еттисув, Чу водийси, Волга, Кубаннинг қуйи қисми, Иртиш, Ишим дарёси бўйидаги ерлар, Ўрта Осиё ва Шарқий Туркистоннинг бир қисмини ўз ичига олган.¹ Турк ҳоконлиги даврида Ўрта Осиё жумладан Фарғона водийси ҳам кўплаб туркий қабилаларнинг ўтроқлашуви бошланади. Кейинчалик яратилган “Бахрул асрор”, “Дастурул мулк” каби ёзма манбаларда тилга олинган дўрмон, арғин, бахрин, асс, қўшчи, жалойир, арлай каби 70 дан ортиқ туркий уруғ ва қабилалар ўтроқлашган. Жумладан Асака ҳудудлари ҳам мустасно эмас.

Ўша даврда Фарғона водийсида атроф қишлоқларни бирлаштирган 40га яқин марказ, яъни шаҳарлар археологлар тамонидан аниқланган. Шулардан бири Асакадан 3-4 км шимоли-шарқ тамонда жойлашган Шўртепадир. Ушбу тепалик эрамининг VI асрига оид катта бир қишлоқ бўлиб, биринчи марта археолог Б. Турғунов ва Б. Абдинозиевлар томонидан текширилган. (1970 йиллар). Археологик топилмаларнинг энг муҳим топилмаси шуки, ер остида сақланган сапол идишлардан чигит куйиндилари топилган. Бу Ўзбекистонда пахтачилик тарихига оид биринчи топилмадир. Академик Яхё Ғуломов фикрича, бу топилма биринчи марта пахтачилик Фарғона водийсидан бошланганини тадиқлайди.²

Ушбу даврдан бошлаб Қорадарё ҳавзасида аста-секин сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик хўжалиги тараққий этади. Дастлабки тоғ сойларининг сувлари суғориш учун олиниб, унча катта бўлмаган ер майдонлари ўзлаштирилди. Қадимда VI-XV асрлардан то XVII асрларгача, яъни Шахрихонсой қазишмасидан илгари, Ўшдан оқиб келадиган Оқбўйра дарёсининг бир қисми хозирши Шахрихонсой ўзани орқали Асакани оралаб оқар эди. Бутун деҳқончилик экинлари ўша Аравонсойнинг этагига қурилган ариқлардан суғорилган ҳамда муттасил равишда ривожланиб борган.

Темурийлар даврида айниқса Бобур ҳукмронлиги йилларига келиб Андижон атрофлари жумладан Асака ҳам анча ободонлашади, экин майдонлари кенгайтирилади. Иқтисодий жиҳатдан юксалиш бошланади. Экин майдонларининг кенгайиши ҳунармандчиликнинг тараққий этиши аҳоли турмуш даражасини бирмунча яхшиланишига олиб келади.

¹ Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. Тошкент. Янги аср авлоди. 2012.-Б.169.

² Қаранг: Фан ва турмуш.1978., 6-сон. –Б.17-21.

Асаканинг ижтимоий-иқтисодий, маданий тараққиёти Қўқон хонлиги даврида анча ривож топди. Тарихдан маълумки XVIII аср бошларида Чодакли дин пешволари Фарғона водийсини Бухоро хонлигидан ажратиб алоҳида давлатга айлантириш сиёсатини юритадилар. 1710 йил улар минглар уруғининг етакчиси Шохрухбийни хон қилиб, Қўқон хонлигини ташкиллайдилар. XVIII аср ўрталарига келиб Фарғона мулки тўласинча Қўқон хонлиги тасарруфига ўтади. Бу даврда Фарғона водийсида сезиларли даражада иқтисодий хўжалик ривожланиш бошланди. Бу юксалиш, хусусан Норбўтабий (1763-1798йй), Олимхон (1798-1810йй), Умархон (1810-1822йй), Муҳаммадалихон (1822-1842йй) ва Худоёрхон (1845-1858, 1862-1875йй) давларида қишлоқ хўжалик тараққиёти билан ўлчанади. Бу даврларда Фарғона водийсида суғориш иншоотлари, ирригация ишларига алоҳида эътибор берилади. Худди шу даврлардан хусусан Умархон, Муҳаммадалихон ҳамда Худоёрхон ҳукмронлиги даврига оид ёзма манбаларда Асака кўплаб тилга олина бошлайди. Чунончи, Мулла Ниёз Муҳаммад Хўқандийнинг “Тарихий Шохрухий”, Мулла Олим Бухорийнинг “Тарихи Туркистон”, Ҳакимхон Тўранинг “Мустаҳабит-таворих”, “Тарихи Хўқанд” асарларида ва бошқа манбаларда Асака номи қайта-қайта тилга олинади.

XVIII асрга келиб аҳоли сонини ортиши, ерларни ўзлаштирилиши, экин майдонларини кенгайтириш натижасида Окбўра дарёсининг суви Андижонгача жуда оз келадиган бўлиб қолади. Бу ҳол ўлка тарихида Андижонсой каналини қазиб, Қорадарёдан сув келтириш заруратини келтириб чиқаради. Шунингдек, Окбўранинг оқаваси бўлган Аравонсой суви ҳам юқорида жойлашган деҳқончилик ерлари учун олиниб, Асакадан нарига ўтмай қолади. Шундай шароитда йирик “Шахрихонсой” янги суғориш тизимини яратишга киришилди. Ушбу ирригация иншооти Умархон даврида пайдо бўлган, у янги шаҳар Шахрихон (Хонлар шаҳри)га сув келтириш билан боғлиқ.

Умархон хонлик ҳудудидаги кўриқ ерларни ўзлаштириш учун Санкт-Петербургга ўз одамларини юбориб, канл лойиҳасини чизиш учун муҳандисларни жалб этади. Қорадарёдан бошлаб бутун хонлик ҳудудидаги кўриқ ерларни бир-бирига боғловчи 102 км чўзилиб кетган ҳозирги Шахрихонсойнинг лойиҳасини чиздиради.¹

Шахрихонсойни қазиб 1814 йил “Нодирабегим ариғи” номи билан бошланади. Афсуски, Умархон ўзи бошлаган бу хайрли ишни ниҳоясига етказа олмай, 1822 йилда вафот этади. Қўқон хонлиги тахтига унинг 12 ёшли ўғли Муҳаммад Алихон (1822-1842йй) ўтиради. Муҳаммад Алихон ёш бўлганлиги боис амалда давлат бошқарув ишларида онаси Нодирабегим (1792-1842йй) кўмаклашади.

Муҳаммадалихон ҳукмронлиги даврида ҳам “Нодирабегим ариғи”ни барпо этиш ишлари давом эттирилади. Ниҳоят Қорадарёдан ҳозирги Олтиариқ туманигача лойиҳаси

¹ Раҳмонов С. “Асака”. Тошкент, Ўзбекистон. 1999 й. –Б.18.

чизилган ариқ қурилиши охирига етказилиб, Умархон шарафига унинг икки қирғоғига жойлашган Шаҳрихон (хонлар шаҳри)ни бунёд қиладилар.¹

Шаҳрихонсойнинг барпо бўлиши Асака атрофларида деҳқончилик қилиш учун катта имконият яратади. Асака мавзесини янада обод қилиш ишларига Қўқон хонлигининг сўнгги хукмдорларидан Худоёрхон (1845-1875йй) катта аҳамият беради. Асаканинг жанубидаги Шаҳрихонсой чап қирғоғи бўйлаб баланд адир ортидаги ерларга сув чиқариш, бу ерда хоннинг ёзги қароргоҳи ва боғ бунёд қилига киришилади.

Худоёрхон XIX асрнинг 60-йиллари Асакани “Эрамисол юрт қилмоқ”² ниятида деб ёзади Ниёз Муҳаммад «Тарихи Шоҳрухий» асарида шаҳарнинг атрофидаги деҳқончилик ерларини анча кенгайтирган эди. Унгача Асака Шаҳрихонсойга Оқбўра ва Аравон ташламасидан қўшилган сувгагина эгалик қилган эди, холос. Кейинчалик Шаҳрихонсой сувининг ҳам анчагина миқдори Асакада сарфланадиган бўлди. Шаҳрихон хокими Исо авлиё Асаканинг ғарби билан Қуванинг шимоли ва Шаҳрихоннинг ўртасида бўз ерларни ўзлаштириш учун Асаканинг ўзида Шаҳрихонсойдан бошланадиган катта ариқ чиқаради. Шаҳарнинг жанубида, Шаҳрихонсой чап қирғоғи бўйлаб, эгаси адирга туташиб кетган баланд ва гўзал табиатли ерда Худоёрхоннинг ёзги қароргоҳи ва боғ барпо қилиш учун Исо авлиёга сув чиқариш вазифаси топширилади.³ Аммо Шаҳрихонсой хонга атаб барпо қилинажак ёзги қараргоҳ ва боғдан 40 метрдан ортиқ пастда оқар эди. Шунга қарамай Исо авлиё кўрсатмасига мувофиқ Кулла кишлоғига яқин жойда Шаҳрихонсойдан бош олиб, сойнинг чап қирғоғидаги баланд адир ён бағри бўйлаб оқадиган 8 км узунликда ариқ қовлашга киришлади. Ариқнинг деярли 4 км қисми тик адир ён бағрини қирқиб ўтиши лозим эди. Бевосита Исо авлиё раҳбарлигида “Худоёрхон” номи ариқ қовлаш учун минглаб одамлар сафарбар қилинади. Бу ҳақида Муҳаммад Азиз Марғилоний “Тарихи Азизий” асарида шундай маълумот беради: “Хон бу Улуғнахрни қаздириб, Асака деган мавзенинг юқорисида чархпалак қилиб, сув олиб чиқаман деб ва ҳам қирларнинг лабларида ариқ қаздириб, кўп юртларга мардикор солиб ишлатди. Гўристонларни буздириб, “ҳар жамоа ўз устухонини топиб олиб, бошқа қабристонларга кўмсин”, деб буюриб, “ўрнини бозори нав қиламан, ўрда қиламан”, деб хон вақтларигача сарф-сурфлар қилиб юрди”.⁴

Ариқ қазилган ишлари қизғин кетаётганда ариқ трассасини Марҳамат йўлидаги яқин қисмидаги баланд адир чўққиси остидан ўтган жойда тепадан жуда кўп тош аралаш тупроқ ўпирилиб, 180 киши ҳалок бўлади.⁵ Лекин хон буйруғи билан иш тўхтамай давом

¹ Набиев А., Хурилов Т. Бобур тавоф айлаган диёр. Тошкент, Меҳнат. 1993. –Б. 43-45.

² Жалилов С. Фарғона водийсининг суғорилиш тарихидан (XIX-XXаср бошлари)Тошкент, Фан. 1977. –Б.46.

³ Жалилов С. Фарғона водийсининг суғорилиш тарихидан (XIX-XXаср бошлари) Тошкент, Фан. 1977. –Б.47.

⁴ Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий. Тошкент, Маънавият. 1999.-Б.17

⁵ Жалилов С. Кўрсатилган асар.-Б.47.

эттирилади. Тезда иккинчи жойда ҳам адир ўпирилиб, яна саккиз киши ўлади. Аччиқланган хон халқ норозилиги бошлангандан кейин ишни тўхтатишга буйруқ беради.¹ Шу билан Худоёрхоннинг Асаканинг жанубий бурчагига сув келтириш учун бўлган уриниши беҳуда кетган. Бироқ, Худоёрхон янги ташкил қилинаётган боғини сув билан таъминлаш мақсадида пастда оқаётган ёв ариғига 3 саржинга борабар келадиган баҳайбат чархпалак (чиғир) қурдиради.

Бу ҳақида XIX аср тарихчиси Аваз Муҳаммад Атторнинг “Тарихи жахоннома” ва “Тарихи Хўқанд” асарларида ҳам маълумот берилади. Унинг ёзишича дарҳақиқат Асака шаҳри худудида Худоёрхон қаъла қурдирган бу ерда хоннинг дала ҳовлиси ҳам бўлган², деб маълумот беради.

Дарҳақиқат Худоёрхон Шаҳрихонсойнинг ҳозирги Мархамат йўли кесиб ўтган жанубий қисмидан бошлаб адирликнинг энг пастки остоналари бўйлаб Шаҳрихонсойга ёнма-ён ҳолда ҳозирги “ёв ариғи”ни қурдиради. Ушбу ариқнинг “Асака чўнтаги” остидан ўнг томонга жарлик бўйлаб бурилган жойда тўрт ярим метр радиусли баҳайбат чархпалак (чиғир) қурдириб, бу ерга оз бўлса-да сув олиб чиқаради. Аммо бунга сув билан “Боғи эрам” яратиш бўлмасди. Шунга қарамай, бу тепалик сув билан таъминланиб, “Асака чўнтаги” номли хон қароргоҳи барпо қилинади. Худоёрхон ёз ойлари келиб, қурилган “Хон супаси”да хар йили дам оладиган бўлди. Унинг қолдиқларихамон сақланиб қолган.

Худоёрхоннинг бу ҳаракати ҳақида яна ўша давр муаррихларидан Муҳаммад Азиз ибн Муҳаммад Ризо Марғилонийнинг “Тарихи Азизий” асарида шундай маълумотлар беради. “Хон (бу ерда Худоёрхон назарда тутилмоқда. М.Ш.) бу Улуғнахрни қаздириб, Асака деган мавзенинг юқорисида чархпалак қилиб, сув олиб чиқаман деб ва ҳам қирларнинг лабларида ариқ қаздириб, кўп юртларга мардикор солиб ишлатди...”³ Тўғри Худоёрхон ушбу қурилиш ишларини ўз манфаатидан келиб чиқиб обаради, халқ бошига кўплаб қийинчиликларни солади. Бироқ “Ёв ариғи”ни очилиши Асаканинг Чўнтак қисмини бўлса-да ободонлашувига олиб келади.

Қўқон хонлиги даврида хонликнинг бошқа худудларида бўлгани сингари Асакада ҳам аҳоли асосан қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилик билан шуғулланган. Биз юқорида таъкидлаб ўтганимиздек Шаҳрихонсой канали шаҳарнинг ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлди.

Шаҳрихонсой каналидан Асака атрофидаги 22та ариққа сув келар эди. Дехқончилик қилиш асосан шу ариқлардаги сувга боғлиқ эди. Кўрилатган даврда Шаҳрихонсойга сув оз кирган йили ариқлар ўртасида навбат ўрнатилиб сув тақсимланган. Хар баҳорда мироблар ва

¹ Ўша жойда.

² Жалилов С. Кўрсатилган асар.-Б.56-57.

³ Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий. Тошкент, Маънавият. 1999.-Б.17.

қишлоқ оқсоқолларининг кенгаши чакирилиб, навбат ўрнатилиши ҳақида келишиб олинар, навбат эса бутун баҳор ва ёз бўйи давом этар эди.¹

Тарихчи олим С Жалиловнинг қайд этишича бутун Шаҳрихонсой системаси икки навбатга бўлинар эди. Навбат пастдан бошланиб, биринчи сувни Шаҳрихон билан Асака ариқлари группаси саккиз кун, иккинчи навбатда Асакадан юқоридаги ариқлар етти кун оларди. Шаҳрихонсойда Асака билан Шаҳрихон ўртасида саккиз кунлик навбат ҳам пастдан бошланиб, тўрт кун сув Шаҳрихонга қаршли 22 ариққа, ундан сўнг тўрт кун Асака атрофидаги 22 ариққа бериларди.² Шу тариқа маълум ариқлар сув олгандан сўнг энди Асака атрофидаги қишлоқлар ўртасида навбат билан сув тақсимланган.

Асакага 4 кундан берилган сув ўша ариқдан бош оладиган ва бир ёки бир неча қишлоқни сув билан таъминлайдиган шоҳ ариқларга навбат билан берилади: аввал бир группа шоҳ ариқ, сўл, яна бир группаси ва ҳ.к.

Асакадаги Исо авлиё ариғидаги ерлар тўрт даҳага бўлиниб, уларнинг ҳар бирида 12,5 кетмон* дан ер бўлган. Тўрт кунлик навбат вақтида ҳар даҳага бир сутка сув берилган. Агар сув оз бўлса, суғориладиган ерлар чегераланиб қўйилган.³ Шоликорлик ерларда эса навбат вақтида экиннинг белгиланган маълум сатхигагина тўлғазилган.

Хуллас, шу тариқа экин майдонлари сув танқис йиллари навбат билан суғорилар эди. Бу даврда қишлоқ хўжалик машғулотларидан асосан деҳқонлар буғдой, шоли, пахта, оқ жўхори, маккажўхори каби маҳсулотлар етиштирган. Кўриниб турибдики кўрилаётган даврда Асака хонлигининг ривожланган ижтимоий-иқтисодий марказларидан бирига айланган.

¹ Жалилов С. Кўрсатилган асар.-Б.57.

² Жалилов С. Кўрсатилган асар.-Б.58.

* “Кетмон” суғориладиган ерлар ўша пайтда кетмон билан ҳам ўлчаниб ҳар бир тўп ёки бир қанча гуруҳ бир неча ўн кетмон ерлардан иборат бўлган.

³ Жалилов С. Кўрсатилган асар.-Б.58.

1.3. Чор Россияси мустамлакачилиги ва совет тоталитар тартиботи йилларида Асака шахри.

Чор Россияси қўшинлари Туркистонни босиб олаётган бу вақтда Қўқон хонлиги худудида 1873-1876 йилларда Пўлатхон бошчилигида халқ ҳаракати рўй бергани тарихдан маълум. Пўлатхон бошчилигида қўзғолончилар ҳаракати Асака худудларида рўй берган.

Генерал Скобелев бошчилигидаги рус қўшинлари 1876 йил январ ойида қўзғолончилар ва андижонликларни енгиб Андижон шаҳрини эгаллайди. Андижонни қонга ботириб босиб олган рус генерали М.Д.Скобелев Андижонни забт этгани ҳақида Туркистон ҳарбий округининг муваққат қўмондони Колпаковскийга хабар бериб, энди Асака ва Марғилонга ҳарбий юриш учун рухсат сўрайди. Колпаковскийдан “агарда душман кучи кўп тўпланган бўлса, Асакага юриш билан чекланилсин” деган телеграмма олинади.¹

Скобелев Асакани қўлга киритиш учун уни ҳар томонлама ўрганади. Рус қўшинлари 2 рота пиеда аскар, 240 отлик, 500 казак, ракета батерияси ва 4 татўп билан Асакага ҳужум бошлайди ва унинг марказини тўпга тутадилар. Асака тепалигида турган ҳимоячиларга қарши солдатлар ҳужумга ўтиб, уларни чекинтиришади ва шаҳарни эгаллашади. Асакада жойлашган халқ ҳаракати етакчиларидан бири Абдурахмон Офтабачи 1876 йил 20 январ куни рус қўмондонига элчи юборади, 24 январда у ўзининг 12 сафдоши шу жумладан, Ботир тўра, Исфандиёр, Холиқ парвоначи, Нормухаммад додхоҳ ва 700 йигити билан Скобелевга таслим бўлади.²

1876 йил феврал ойига келиб, Қўқон хонлиги чор Россияси томонидан тўлиқ босиб олинади. 19 февралда хонлик ўрнида Фарғона вилояти ташкил этилади ва Туркистон генерал-губернаторлиги таркибига киритилади. Янги Фарғона вилояти бешта уезддан ташкил топиб, Асака волости Марғилон уезди таркибига киритилади.

Туркистоннинг барча худудларида бўлгани каби Асакада ҳам мустамлакачи маъмурият қарор топди. Ҳарбийлашган бошқарув тартиботи жорий қилинди. Асака пристав орқали бошқарила бошланди.

1899 йилда Тошкент-Андижон темир йўлининг қурилиши муносабати билан Асакага ҳам узунлиги 4 км ли темир йўл шохобчаси ўтказилди. Шундан сўнг Асакада европалик, хусусан рус ва маҳаллий бойлар дастлабки саноат корхоналарини қура бошладилар. Тадбиркорлар томонидан кичик-кичик пахта тозалаш заводлари, дастлабки ёғ заводи ўша

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Тошкент, Шарқ. 2000.-Б.171.

² Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб.-Б.171.

йилларда қурилган эди. Жумладан, Асака ёғ заводини 1913 йили маҳаллий бойлардан бўлган Або Симхаев томонидан қурилган эди.¹

Асакага темир йўл шахобчасини келтиришдан чор маъмурияти кўзлаган бирламчи мақсади Россияга бу ердан пахта хом-ашёсини ташиб кетиш эди. Буни 1900 йил 22 июнда 32 маҳалли савдогар номидан Марғилон уезди бошлиғи темир йўллар министрига йўллаган мактубидан билса бўлади. Унда қайд этилишича Темир йўлнинг Асака-Шахрихон шоҳабчасини қурилиши Марказий Россияга пахта етказиб беришни оширилишига олиб келиши уқтирилади. Асакада бу даврда 6 та пахта тозалаш заводи мавжудлиги уқтирилади.²

Мустамлакачилик шароитида ҳам бутун ўлкада бўлгани каби Асакада ҳам ҳунармандчиликнинг анъанавий тартиби сақланиб қолган. Дўппидўзлик, темирчилик, заргарлик кенг ривож топган. Қандолатчилик, ширмонпазлик, наввойлик ҳам тараккий этган.

Уй-рўзгор ишларида, хўжаликда керак бўладиган барча жиҳозлар: эгар-жабдук, сандик, мис идишлар, чарм буюмлар, сапол, ёғоч, кумуш, олтин буюмлар, кетмон, пичок, махси, калиш ва шу каби кўпгина нарсалар ишлаб чиқарилган.³

1900-1911 йилларда Туркестанский сборникда қайд этилишича Марғилон уездига қарашли Асака волостида 30 га яқин тўқувчилик устахонаси фаолият кўрсатиб турган.⁴

Асака нафақат Андижон вилоятидаги, балки Фарғона водийсидаги сўлим ва оромбахш шаҳарлардан бири ҳисобланади. Асаканинг совет тоталитар тартиботи тарихига тўхталар эканмиз биринчи навбатда бу даврда унинг номига бўлган тажаввузга тўхталмасдан иложимиз йўқ. Ўз тарихига ва аъналарига эга бўлган Асака шаҳри номини собиқ иттифок даврида турли “изм”лар, “қолип”лар сиёсатлар гирдобидида унуттиришга уринишлар бўлди. Асака номи хусусан, 1924-1937 йилларда “Зеленск”, 1937 йилдан то мустақиллик кунигача “Ленинск” деб юритиб келинди.⁵ Мустақиллик туфайли 1991 йил 30 октябрдан Асака номи қайта тикланди.

Қизил империя ҳукмронлиги даврида ҳам захматкаш Асака халқининг фидокарона меҳнатлари натижасида шаҳар ва қишлоқларда кўплаб бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Саноат, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, мактаблар, болалар боғчалари, билим юртлари, шифохоналар, кўп қаватли бинолар барпо этилди.

¹ История Андижана в документах и материалах (1876-1917гг). Том второй. Составители: Шамсутдинов Р.Т., Хошимов С.А., Бозоров Қ. Тошкент, SHARQ. 2012. С.226-227.

² История Андижана в документах и материалах (1876-1917гг). Том первый. Составители: Шамсутдинов Р.Т., Хошимов С.А., Бозоров Қ. Андижан. 2009. С.110-111.

³ Туркестанский сборник. Т.487. –С.171-177.

⁴ Туркестанский сборник. Т.504. –С.91-95.

⁵ Шамсутдинов Р., Исоқов А. Андижон тарихидан лавҳалар. Тошкент, SHARQ. 2013.

XX аср бошларида Асакада 2 минг киши яшаган. Бу даврда шаҳарда асосан пахта тозалаш ва ёғ заводлари бўлган. Аҳолининг асосий қисми майда хунармандчилик билан шуғулланган.

Асака туманида ҳам 1930-1933 йилларда Бутун Ўзбекистон қолаверса собиқ Иттифок худудида бўлганидек коллективлаштириш сиёсати амалга оширилди. ВКП (б) Марказий Қўмитаси сиёсий бюросининг 1929 йил ноябрь ойидаги махсус қарори билан “қулоқларни синф сифатида тугатиш” сиёсати амалга оширила бошланди. “Қулоқ” деб ҳисобланган тадбиркорлар, мулкдорлар, ер-сувга эга бўлган кишилар, йирик сармоядорлар, савдо ахлининг фуқаролик ҳуқуқлари чекланиб келинган эди. Энди эса совет тузуми синф сифатида батомом тугатишга киришади.

Асакадан ҳам ушбу кезларда 50 дан ортиқ хонадон “қулоқ” қилинди, Украина ва Шимолий Кавказга бадарға этилди. Улар ўз даврининг ишбилармон, тадбиркор, мулкдор кишилари бўлиб, мҳнатдан боши чиқмаган инсонлар эди. Булардан Охунбой Алисаидов, Зойиджон Бобобеков, Зокиржон Бобобеков, Исожон Қодиров, Абдулқодир Қосимов, Муҳаммаджон Дадабоев ва бошқалар 1930 йил март ойида юртдан бадарға қилиндилар.¹

1937-1939 йилларда эса Бутун Иттифок миқёсида бўлгани сингари Асака туманида ҳам катта террор ёки Собиқ “қулоқ”лар операцияси амалга оширилди. Яна оммавий қатағон сиёсати амалга оширилди. Кўплаб зиёлилар, дин пешволари, халқнинг етук кишилари жами 50 дан ортиқ асакаликлар қатағон домига тортилдилар. Булар жумладан Зиёвуддин қори, Аҳмадали қори, Мулла Фазлиддин ва бошқалар совет ҳокимиятининг қатағон сиёсати қурбони бўлдилар.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Асака аҳолисининг кўплари собиқ СССРнинг ғарбий худудларини душмандан ҳимоя қилишга сафарбар этилдилар. 1941-1945 йилларда Асака шаҳридан 2351 киши, шу жумладан 17 нафар аёллар ҳарбий хизматга чақирилиб, фронтга жўнадилар. Улар фашистлар Германияси ва Милитаристик Японияни тор-мор этишда қаҳромонлик кўрсатдилар. Фашизмга қарши жангларда кўрсатган жасоратлари учун Асакаликлардан 180 нафари жангавор орден ва медаллар билан мукофатландилар. 3 киши Қаҳрамон унвонига эга бўлди. 931 нафар Асакалик фронтда ҳалок бўлди. Уруш йилларида Асака шаҳрига минглаб аҳоли жумладан кўплаб болалар кўчириб келтирилди. Шаҳарда 4та болалар уйлари фаолият кўрсатган эди.²

Урушдан кейинги йилларда издан чиққан халқ хўжалигини қайта тиклашдек маъсулиятли вазифалар турарди.

¹ Бу ҳақида батафсил қаранг: Шамсутдинов Р.Т. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожиаи оқибатлари. Тошкент. Шарқ. 2001; Унинг ўзи. Қишлоқ фожиаи: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида) Тошкент, Шарқ. 2003.

² Раҳмонов С. “Асака”. Тошкент, Ўзбекистон. 1999 й. –Б.24-26.

1946 йил охирида Асака мотор таъмирлаш заводи куриб битказилди. 1947 йили Асака ёғ заводида ТЭЦ (иссиқлик электр маркази) ишга тушди. Натижада завод тўла электрлаштирилди. Бу воқеа шаҳар тарихида урушдан кейинги алоҳида бир саҳифа бўлиб қолди. Заводни электр-энергия билан тўла таъминлашда Я. Зайнутдинов, Т. Панков, Ш. Муратов каби тажрибали электр-техника мутахассисларининг хизматлари катта бўлди.¹

Иккинчи жаҳон уруши йилларида ва урушдан кейинги йилларда Асака шаҳрида янги саноат корхоналарининг салмоғи анча ортди. Бу борада Асака яқинидаги Андижон ва Полвонтош нефть конлари, Хўжаобод газ кони катта роль ўйнади. Асакада ушбу конларни махсус ускуна ва техника жихозлари билан таъминловчи омборхоналар пайдо бўлди. 1947 йил Полвонтош-Асака газ қувури ётқизилиши тугалланиб, ишга туширилди. Шу йилнинг ўзида Асакада 15км газ қувурлари ётқизилиб фодаланишга топширилди. Биринчи навбатда Ёғ заводи, макатб ва боғчаларга газ ўтказилди. Шунингдек 150дан ортиқ хонодон газлаштирилди.²

Бу пайтга келиб Шаҳрихон ГЭС нинг 6 ва 7 станциялари ҳам куриб фойдаланишга топширилди. Шаҳар корхоналари, нефть конлари ва жамоа хўжаликлари ана шу манбалардан электр-энергия ола бошлади. 1949 йил охирида эса кислород цехи курилиб битказилди ва маҳсулот бера бошлади. Унинг маҳсулотлари Фарғона водийсидаги бир қатор корхоналарга етказиб берилга бошлади.

Шаҳар саноатининг ривожланиши, аҳоли сонининг муттасил кўпайиб бориши шаҳарда курилиш ишларини олиб боришга эътибори кучайтирди. Шу боис шаҳарнинг Навоий, Шаҳрихон кўчаларида кўплаб икки қаватли бинолар курилди. Шаҳарнинг юқори қисмида “нефтчилар” клуби, 1-ўрта мактаб биноси ва 1-болалар боғаси бунёд этилди. Кейинчалик шаҳарда йирик кутубхона, “Тополоград” универмаги, меҳмонхона, болалар боғчалари, мактаблар бинолари, Навоий кўчасидаги Шаҳрихонсой кўприги, Савдо техникумининг 600 ўринли ётоқхонаси, Дўстлик майдони, 600 ўринли кинотеатр каби иншоотлар курилди.

1970-1990 йилларда Асака шаҳрида Тўқувчилик ва бадий буюмлар фабрикаси (ҳозирги “Асакатўқимачи” акциядорлик жамити), Прицеп заводи, “Анзис” заводи, Пахта тозалаш заводлари, электротехника, автомобиль тузатиш корхоналари курилди.³

Совет ҳокимияти йилларида Асака халқ таълими ҳам анча мафкуралаштирилди. 1924 йилга келиб Асакада 5та мактаб, битта интернат очилди. Уларда 400 дан ортиқ ўқувчи таълим олди. Ўқиш араб алифбосида олиб борилад эди. Ўқитувчилар етишмас, ўқитиш учун бино топилмас эди.

¹ Раҳмонов С. Кўрсатилган асар. –Б.27.

² Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Биринчи жилд. Тошкент 2000.-Б.444.

³ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Биринчи жилд. Тошкент 2000.-Б.444.

1925 йили шаҳар боғи ўрамида Асакада биринчи махсус мактаб биноси (ҳозирги “Ёш техниклар станцияси” биноси) қурилиб, таянч мактаб сифатида ишга туширилди.

1930-1931 ўқув йилидан бошлаб республикада умумий мажбурий болангич таълим жорий қилинди. Бу қарорга мувофиқ Асакада мактаблар тармоғи аста-секин кенгая борди.

1931 йили катта тўлиқсиз ўрта мактаб –ТўМ биноси қуриб битказилди ва унга истедодли маорифчи Нурмат Тошматов директор қилиб тайинланди. 1932 йили Тешабой ҳожи уйида Асакада биринчи рабфак (ишчи факультети) очилди.¹

1937 йили Асаканинг тараққийпарвар кишиларидан бири Расул-Карвон ўзининг шахсий ховли жойида халқ хашари йўли билан янги мактаб қурилишини бошлаб юборди. Тез орада 4-мактаб биноси қурилиб, ишга туширилди. 1938 йили Навоий кўчасида Асакада биринчи икки қаватли мактаб биноси (ҳозирги 5-мактаб) қурилиб, унда ўн йиллик таълим жорий қилинди.²

Иккинчи жаҳон уруши йилларида, турмуш қийинчилиги натижасида маориф ишлари анчагина издан чиқди. Ўқувчиларга билим берувчи ўқитувчиларнинг кўпчилиқ қисми урушга сафарбар қилинди, уруш туфайли маорифга эътибор сусайди. Бироқ урушдан кейинги йилларда маориф ишлари яна жонланди.

1970-1980 йилларда Асака шаҳрининг ўзида 10 та умумтаълим мактаби, 1 та педогогик билим юрти, 1 та тиббиёт билим юрти, 2 та техникум фаолит кўрсатди. Уларда 12 мингдан ортиқ ўқувчи таълим олди.³

Тоталитар тартибот даврида соғлиқни сақлаш соҳасидаги ишларга тўхталсак, Асаканинг биринчи тиббий муассасаси 1927 йили фельшерлик пункти сифатида Шаҳрихон кўчасидаги ҳарбий комиссариатнинг эски, бир қаватли биносида ташкил топди. 1930 йилга келиб Асакада 1 врач ва 3 нафар фельдшер аҳолига хизмат қила бошлади.

1929 йили Ёғ заводи хизматчилари учун қурилган уй-жой даҳасидаги бир кўпхонали уй амбулаторияга мослаштирилиб, тиббий анжомлар билан жиҳозланди. Шундай қилиб, Асакада биринчи амбулатория юзага келди, унга врач А.А.Орлова раҳбарлик қилди.⁴

1940 йилда шаҳар тобобати соҳасида илк бор туғруқхона қурилиб (ҳозирги ички ишлар бўлими биноси) ишга туширилди. 1960 йиллар охирида ҳозирги Амир Темур кўчасида махсус лойиҳа асосида 130 ўринли, замонавий жиҳозланган янги туғруқхона фойдаланишга топширилди.⁵

¹ Раҳмонов С. “Асака”. Тошкент, Ўзбекистон. 1999 й. –Б.30.

² Ўша жойда. –Б.31.

³ Ўша жойда.

⁴ Раҳмонов С. “Асака”. Тошкент, Ўзбекистон. 1999 й. –Б.32.

⁵ Раҳмонов С. “Асака”. Тошкент, Ўзбекистон. 1999 й. –Б.33.

1950 йилдан кейин марказий касалхона анча кенгайтирилди. 1963 йили шаҳардаги мухташам бинолардан бири касалхона учун тақдим этилди. Шундай қилиб, Навоий кўчасида 110 ўринли 2-шаҳар касалхонаси ташкил топди.

1990 йилда С.Обидов кўчасида замонавий, тўрт қаватли, махсус лойиҳа асосида поликлиника биноси қурилиб фойдаланишга топширилди

Асака шаҳрида биринчи дорихона 1937 йили ташкил топган. 1970-1980 йилларда шаҳарда 4та дорихона фаолият кўрсатган.

Хуллас, совет даврида тоталитар режим тартиботлари кучайган бир шароитда ҳам Асака шаҳрида ижтимоий, маданий ҳаётнинг барча жабҳалари кишиларнинг фидойиларча меҳнати ортида ривожланиб борди.

2-боб. Мустақиллик йилларида Асаканинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти.

2.1. Асака саноатининг юксалиши.

Мустақиллик йилларида Асака шаҳри ва унинг аҳолиси учун кўплаб қулайликлар яратилди. Том маънода мустақиллик Асака шаҳри ва асакаликлар учун алоҳида ўсиш, ривожланиш даврини бошлаб берди. Айниқса бу саноат соҳасидаги ўсишда кўрилди. Собиқ Иттифоқ даврида Асака бутун мамлакатимиз сингари хомашё етиштирувчи аграр туманга айланиб қолганди. Бунга барҳам бериш мақсадида мустақилликнинг дастлабки ўн йиллиги (1991-2001йй)да Асакага инвестициялар жалб қилиш ҳисобига саноатни ривожлантириш орқали маҳаллий хомашёни шу ернинг ўзида қайта ишлаб, уни четга тайёр маҳсулот сифатида экспорт қилиш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш, янги иш ўринлари яратиш ва шу орқали илгари четга чиқиб кетадиган даромаднинг маълум бир қисмини шу ерда олиб қолиш ҳаракати бошланди.

Дастлабки даврда Асакадаги мавжуд корхоналар мулкчиликнинг янги шаклларига ўтказилиб, замонавий технологиялар билан жиҳозланди. Ҳозирда шаҳарда 29 та йирик саноат корхонаси мавжуд. Улардан 4 таси қўшма корхона, 20 таси хиссадорлик жамияти, 3 таси жамоа корхонаси ва 2 таси давлат тасарруфидаги корхоналардир. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 99,8 фоизи нодавлат секторига тўғри келади.¹ Бундан ташқари бугунги кунда Асакада 792 та кичик ва ўрта корхоналар ҳамда фирмалар фаолият юритмоқда, шундан 778 таси нодавлат секторига мансуб, бу 98,3 фоизни ташкил этади. Уларда 1490 киши яқка тартибда тадбиркорлик билан шуғулланмоқда. Янги ташкил қилинган майда корхона ва фирмаларда ўтган йиллар оралиғида 2500 дан ортиқ киши доимий иш билан банд этилди.²

¹ Раҳмонов С. “Асака”. Тошкент, Ўзбекистон. 1999 й. –Б.4

² Асака оқшоми. 1999 йил 28 декабрь

Асака саноати ҳақида сўз юритилганда собиқ Асака прицеп заводи негизида барпо этилган “ЎзДЭУ авто” автомобиль заводи ҳақида алоҳида тўхталиш лозим. Зеро бугунги кунда Асака шаҳрини жаҳонга танитган худди шу автомобил заводи ҳисобланади. Ушбу завод 1992-1996 йиллар мобайнида Жанубий Кореялик ҳамкорлар билан биргаликда куриб битказилди. Заводнинг бунёд этилиши ва унинг Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётидаги ўрни ҳақида батафсил кейинги мавзуда тўхталамиз.

1993 йили “Асакатекстиль” корхонаси санация қилинди. Корхонадаги ип йиғирадиган эски “Жин” дастгоҳлари чиқариб ташланиб, ўрнига хорижий давлатларнинг замонавий йиғирув-тўқув ускуналари ўрнатилди. Ҳозирда корхона “Асакатўқимачи” деб номланиб унда 402 киши меҳнат қилмоқда. Корхона акциядорлик жамиятига айлантирилган.

1996 йил июл ойида “Анзис” заводида “ЎзДЭУ авто” қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган “Дамас” русумли автомобилларни “Тез ёрдам” амбулаториясига мослаштириш мақсадида 3 хил бутловчи қисмлар тайёрлаб бериш ўзлаштирилди.¹ Заводга Жанубий Корея, Германия ва Италиядан кўплаб автоматик бошқарувдаги дастгоҳлар, станоклар олиб келиниб қайта жиҳозланди.

1993 йили Асакада Италиянинг “Федеричо” компанияси билан ҳамкорликдаги “Федеричо-Андижон-Макарон” (“ФАМ”) қўшма корхонаси ишга туширилди. Бу ерда қаттиқ бугдойдан 24 хилдаги найчасимон макарон ишлаб чиқарилиб, вилоят аҳолисининг ушбу маҳсулотга бўлган эҳтиёжини қондирилмоқда.²

1993-1994 йиллар мобайнида “Прицеп” заводи ўрнида янги “ЎзДЭУ авто” қўшма корхонаси курилиши муносабати билан янги жойга кўчирилди. “Прицеп” заводи кўчирилиши давомида янги технологиялар, автоматик бошқарилувчи ускуналар қайта жиҳозланди. Завод ҳам 1994 йилдан бошлаб янги турдаги прицеплар ишлаб чиқара бошлади. Бугунги кунда “прицеп” заводи 2 хил турдаги прицеплар, шу билан бирга турли хил ўрамдаги сим тўрлари, темир панжаралар, ришоткалар ишлаб чиқаришга мослашган ҳолда олдингидек зиёнга ишловчи корхона эмас, балки фойда билан йилни якунловчи корхоналар қаторига қўшилди.

Бундай ислоҳат ва янгиланишлар матор таъмирлаш заводида ҳам олиб борилди. Бугунги кунда ушбу заводда 300 дан ортиқ малакали ишчилар меҳнат қилмоқда.

1996 йилдан бошлаб шаҳар худудидаги 6-автомобиль таъмирлаш заводи худудида “ЎзДЭУ авто” корхонасига бутловчи қисмлар тайёрлаб берувчи “Донг-Вонг-Ко” қўшма

¹ Раҳмонов С. “Асака”. Тошкент, Ўзбекистон. 1999 й. –Б.46.

² Шамсутдинов Р., Исоқов А. Андижон тарихидан лавҳалар. Тошкент, SHARQ. 2013.-Б.396.

корхонасини ташкил этишга киришилди. Ушбу бутловчи қисмлар тайёрловчи корхона 1997 йилнинг декабрида ишга туширилди ва маҳсулот бера бошлади.¹

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг “Ўзбекистон республикасида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини янада ривожлантиришнинг устивор йўналишлари тўғрисида”ги 1994 йил 15 мартда қабул қилган Фармони ижтимоий соҳага йўналтирилган кўп тармоқли бозор иқтисодиётини шакллантириш, рақобат муҳитини вужудга келтиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Бутун республикамизда бўлгани каби Асака шаҳарида ҳам 1995 йилдан иқтисодий ислохатларнинг янги босқичи бошланди.

Шаҳар хокимининг қарори билан хокимлик қошида, хўжалик ҳисобида ишлайдиган, тадбиркорликни қўллаб қувватлаш ва хусусийлаштириш бўлими ташкил этилди. Шаҳарда тадбиркорликни рағбатлантириш мақсадида “Бизнесфонд”, “Тадбиркорбанк” ташкил қидинди. Шунингдек, шаҳарда бугунги кунда “Миллий банк”, “Пахтабанк”, “Халқбанки”, “Асакабанк”, “Ипотекабанк” бўлимлари ишлаб турибди. Давлатнинг иқтисодий таянчи бўлган солиқ тизимида ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Шаҳар солиқ инспекцияси ҳам иқтисодий сиёсатни амалга оширишда фаол иштирок этмоқда.

Айни чоғда хусусийлаштириш замон талаби, халқ фаровонлигини таъминлаш йўли эканлигини ҳар бир фуқарога тушинтириш, фуқароларни давлат мулкни хусусийлаштириш жараёнига кенг жалб қилиш, тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ишлари давом эттирилди. Шаҳар ҳудудида 1998 йилга келиб давлат тасарруфидаги турар-жойларни хусусийлаштириш тугалланди. Савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш тизимлари барчаси давлат тасарруфидан чиқарилиб, очик турдаги ҳиссадорлик жамиятларига, жамоа мулк шаклидан хусусий мулкка айлантирилди. 1994-1995 йиллар давомида шаҳардаги йирик ва ўрта корхоналар базасидан 22 таси ҳиссадорлик жамиятлари ташкил этилди.² Илгари ташкил этилган ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятлари очик турдаги ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилди.

Шаҳарда жами 792 та корхона, кичик корхона, фирма ва ташкилот бўлиб, шунда 778 таси нодавлат секторига мансуб, бу 98,3 фоизни ташкил этади. Уларда 1490 киши якка тартибда тадбиркорлик билан шуғулланмоқда. Янги ташкил қилинган корхона ва фирмаларда 2500 дан ортиқ аҳоли доимий иш билан банд.³ Бўлим томонидан 1996 йилнинг ўзида икки маротаба кўчмас мулк кимошди савдоси ўтказилиб, савдо дўконлари, кафе ва транспорт воситалари сармоядор фуқароларга сотилди.

¹ Раҳмонов С. “Асака”. Тошкент, Ўзбекистон. 1999 й. –Б.48.

² Раҳмонов С. “Асака”. Тошкент, Ўзбекистон. 1999 й. –Б.48.

³ Асака оқшоми.1999 йил 28 декабрь.

Шаҳарда ҳозирги кунда хусусийлаштириш ўз самарасини бермоқда. Ҳиссдорлик жамиятлари биринчилардан бўлиб хусусийлаштирилди. Бугунги кунда ҳиссдорлик жамиятларининг дид билан таъминланган, ишлаб чиқарилган маҳсулотлари эса савдо тармоқларига, шартномачи-шерикларга етказилиб берилмоқда, бозор талабини ўрганиб иш кўрмоқда, мулкдан самарали фойдаланиш эвазига фойда ҳам кўпаймоқда. Шубҳасиз, ҳиссдорларга тўланадиган дивидент миқдори ҳам ортмоқда.

Шунингдек, шаҳарда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчилар учун ижтимоий-сиёсий шарт-шароит ва қонийни асос яратиб берилган. Шу боисдан ҳам тадбиркорлик тизими ва хусусий сектор тез ривожланмоқда. Ташкил қилинган фермер хўжаликлар, фирмалар шаҳар иқтисодиётини кўтаришда, халқни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда, аҳолининг моддий муҳтож табақасини ижтимоий ҳимоялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада илғорлар сони кўпайиб бормоқда. Шаҳарда Абдукарим Тожибоев, Камолиддинхожи Мамаюнов, Абдусамад Мирзахамдам ўғли ва бошқа уста тадбиркорларнинг ишларини ибрат қилиб келтириш мумкин.

Масалан, тадбиркор-фермер Камолиддин хожи Мамаюнов фаолиятини олайлик. Унинг хўжалиги 1993 йилда “Тадбиркор-1” номи билан рўйхатга олинган. Шу йилнинг ўзида чойхона, наввойхона ва ошхона сотиб олиб иш бошлаган. Ўшанда олган даромадидан 6 бош қаромол, 10 бош қўй сотиб олиб, парвариш қила бошлади. 1994 йил давомида моллар 30 бошга, қўйлар 40 бошга етди. Шундан сўнг унинг хўжалиги фермер хўжалиги сифатида рўйхатдан ўтди. 1996 йилда “Шарқ ҳақиқати” жамоа хўжалиги билан шартнома тузиб, 9 гектар ер олди. Кеч кузда бу ерга буғдой экти. 1997 йилда 35 тонна ҳосил олди. Ўрнига маккажўхори экти. Жамоа хўжалигига 15 тонна буғдой ва 9 тонна гўшт топширди. Саҳоватпеша тадбиркорнинг ишлари бароридан келиб, 1997 йил августида қаромоллар 60 тага, қўйлар 150 бошга етди. Бундан ташқари, унинг ихтиёридаги нонвойхона ва тикувчилик цехи ишлаб турибди.¹

Бугунги кунда шаҳарда 2 мингдан ортиқ тадбиркор рўйхатдан ўтиб халқнинг ризқ-рўзини кўпайтиришга, хайр-саҳоват ишларига ўзларини қаттиқ чоғлаб, тер тўкиб меҳнат қилмоқдалар.

Асака шаҳри саноатининг ривожланиши билан бирга шаҳар ҳар жиҳатдан қайта қурилмоқда: янги кўчалар очилмоқда, намунавий турар жойлар, йўллар барпо этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус кўрсатмаси асосида Асака шаҳрини тубдан қайта қуриш (реконструкция қилиш) ишлари олиб борилмоқда. Ушбу ишларга 31,7 млрд. сўм маблағ йўналтирилган. 2015 йилга келиб шаҳардаги Умид, Шинам, Марғиноний, Карвонсарой, Тиллахон, Жалолиддин Румий, Юқори Асака, Иқбол, Гулистон, Бибихоним,

¹ Раҳмонов С. “Асака”. Тошкент, Ўзбекистон. 1999 й. –Б.49.

Мардлик, Бинокор, Хумо каби кўчаларда кўплаб янги бинолар қад ростлайди. Бунинг учун 16, 560 млрд сўм маблағ сарфланиши белгилаб қўйилган.¹

Хуллас, мустақиллик йилларида Асака ўзининг бўй баста билан тўлиқ ўсиб улғайиб том маънода саноатчилар шаҳарига айланди.

II.2. Асака машинасозлар шаҳри.

Истиқлол боис Асаканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида катта ўзгаришлар ясаган ушбу корхона Президентимиз Ислон Абдуғаниевич Каримов ташаббуси билан барпо этилди. “Ҳозиргидек эсимда, 1992 йилнинг 3 июлида, Олий Кенгашимизнинг навбатдаги сессияси бўлиб ўтаётган бир пайтда, мен Жанубий Кореялик ишбилармонлар билан бирга

¹ Шамсутдинов Р., Исҳоқов А. Андижон тарихидан лавҳалар. Тошкент, SHARQ. 2013.-Б.391.

Асака шахрига келган эдим. Мақсад-Ўзбекистонимизда замонавий автомобиль заводи учун танланган жой билан ҳамкорларимизни таништириш эди.

Албатта, биз бу масалада Республикамиздаги бошқа кўп жойларни ҳам ўрганиб чиққан, уларнинг имкониятларини ҳисоб-китоб қилган эдик. Лекин пировардида бўлғуси завод учун Асака шаҳрини танладик.

Бундай қарорга келишимизга нафақат бу ерда зарур шарт-шароитлар мавжудлиги, балки Андижон аҳлининг омилкорлиги, ўз мақсади йўлида тиниб-тинчимаслиги, бошланган ишини албатта охирига етказиш каби хусусиятлари ҳам сабаб бўлди, десам муболаға бўлмайди”,¹ деб хотирлайди Юртбошимиз Ислом Каримов.

Ўзбекистонда автомобиль ишлаб чиқарувчи қўшма корхона барпо этиш мақсадида Президентимиз бошчилигидаги ҳукуматимиз вакиллари Жанубий Корея Республикасининг “DAEWOO” корпарацияси раиси Ким У Жунг билан музокаралар олиб борди. Натижада 1992 йил 24 августда Тошкентда Жанубий Кореянинг “DAEWOO Motors” корпарацияси ва Ўзбекистоннинг “Автоқишхожмаш” давлат консерни ўртасида Асака шаҳрида йилига 180 минг автомобиль ишлаб чиқарадиган “ЎзДЭУавто” қўшма корхонасини куриш тўғрисида шартнома имзоланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1992 йил 5 ноябрда Асака шаҳрида “ЎзДЭУавто” корхонаси ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Уни таъсисчилари этиб “DAEWOO Motors” корпарацияси ва “Ўзавтосаноат” уюшмаси, ҳар икки тарафнинг қўшма корхонадаги улуши тенг миқдорда 50%дан иборат қилиб белгиланди.² 1993 йил март ойида “ЎзДЭУавто” қўшма корхонаси рўйхатга олинди ва умумий миқдори 658 млн АҚШ доллари ҳажмидаги курилиш ишлари бошланди.³

Қўшма корхона Асака шаҳридаги прицеплар ишлаб чиқариш корхонаси негизида курила бошланди. Қўшма корхонанинг умумий майдони 476 минг 266 квадрат метр бўлиб, шундан бино ва иншоотлар учун ажратилгани 146 минг 266 квадрат метрни ташкил этади. Курилиш 1993 йилнинг февралидан бошлаб 32 ой мобайнида охирига етказилди.⁴

Лойиҳа ишлари асосан “ДЭУ инжениринг” ва “Ўзтежпром” фирмалари томонидан амалга оширилди. Ўзининг кўлами жиҳатидан нафақат Ўзбекистонда, балки Ўрта Осиёда ягона бўлган мазкур корхона курилишида ҳар турдаги 25 минг тоннадан зиёд метал конструкциялари, 17 минг тонна йиғма темир-бетон, 40 минг куб метр монолит бетон ва 1000 километр кабель линиялари ўтказилиб, 25 минг тоннадан зиёд мураккаб технологик жиҳозлар ва дастгоҳлар ўрнатилди.⁵ Корхона курилишига бир сўз билан айтганда илғор технологиялар, тажрибали муҳандислар, ўзбекистонлик ёшлар жалб қилинди. 1000дан ортиқ

¹ Бу ҳақда қаранг: Шамсутдинов Р. ва бошқалар Қўшма ва навқирон Андижон. Тошкент, SHARQ. 2010.-Б. 111.

² Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1 жилд. Тошкент, 2000 –Б.443-444.

³ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1 жилд. Тошкент, 2000 –Б.443-444.

⁴ Ўша жойда

⁵ Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. Тошкент, Шарқ. 2000. –Б.425.

Ўзбекистонлик, жумладан Асакалик ёшлар Жанубий Кореяга бориб “DAEWOO” компаниясида ишлаб, автомобиль ишлаб чиқариш тажрибаларини ўрганиб қайтдилар.

“ЎзДЭУавто” қўшма корхонасининг биринчи навбати 1996 йил март ойида ишга тушди. 1996 йил март ойида “Дамас”, июн ойида “Тико”, июль ойида “Нексия” русумли автомобиллар ишлаб чиқариш бошланди.

1996 йил 19 июльда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов иштирокида ушбу қўшма корхонанинг ишга туширилишига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Унда нутқ сўзлаган Президентимиз Ислон Абдуғаниевич Каримов “ЎзДЭУавто” корхонаси қурилишида фаоллик кўрсатганларга чуқур миннатдорчилик билдирди. Президентимиз корхона очилишида сўзлаган нутқида шундай ҳақли сўзларни айтганди. “Бугун биз ҳаммамиз катта тарихий воқеага гувоҳ бўлиб турибмиз. Бугун Ўзбекистон халқи интизор бўлиб кутган муборак кун-мамлакатимиздаги илк автомобиль заводининг очилиши тантанали кунлари етиб келди

Беш-уч йил олдин бундай ҳавас-умид ўзгалар у ёқда турсин, кўпчилик аҳолимизга ҳам афсонавий туюларди.”¹ Шу билан бирга Президентимиз “Асака шаҳрида икки йил ичида бунёд этилган “ЎзДЭУавто” қўшма корхонаси истиқлол йилларида бунёд этилган қудратли корхона бўлиш билан бирга Ўзбекистоннинг энг илғор давлатлар қаторига кириш учун қўйган дадил қадам”² эканлигини алоҳида уқтирди.

Асакада “ЎзДЭУавто” қўшма корхонасининг ишга туширилиши Ўзбекистонда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни, республика индустриясининг қудрати муттасил ортиб бораётганини кўрсатувчи муҳим далилдир. Шу билан бирга ушбу корхона Асака шаҳрини ҳақиқий маънода саноатчилар шаҳрига айлантирди. Бугунги кунда “ЎзДЭУавто” қўшма корхонасида 7120дан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Шундан 3700 киши бевосита ишлаб чиқаришда, 3400дан ортиқ киши сотув ва автохизматда тизимларида ишламоқда. “ЎзДЭУавто” қўшма корхонасининг салмоғи Асака шаҳар саноат корхоналари маҳсулотининг 92,3%га, Андижон вилоят саноат корхоналари маҳсулотларининг 5,2%га тўғри келади.³

“ЎзДЭУавто” қўшма корхонаси 1996 йилда 25,3 мингта, 1998 йилда 54,4 мингта, 1999 йилда 58,4 мингта “Дамас”, “Тико” ва “Нексия” русумли автомобиллар ишлаб чиқарди.⁴ Ўзбекистон дунёда автомобил ишлаб чиқарувчи 28 мамлакатдан бирига айланди.

Ўзбекистон ҳукумати “ЎзДЭУавто” қўшма корхонасига бутловчи қисмлар тайёрловчи корхоналар қуриш тадбирларини амалга оширди. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг 1995

¹ Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш-давр талаби. 5-жилд. Тошкент, Ўқитувчи, 1997. –Б.74-78.

² Ўша жойда. –Б.78-79.

³ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1 жилд. Тошкент, 2000 –Б.444.

⁴ Шамсутдинов Р., Исҳоқов А. Андижон тарихидан лавҳалар. Тошкент. SHARQ. 2013. –Б. 399-400.

йил 30 майда қабул қилган “Автомобиллар учун бутлови буюмлар ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон-Корея қўшма корхоналари ташкил этиш тўғрисида”ги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. Қарорга мувофиқ “ЎзДЭУавто” учун бутловчи қисмлар тайёрлайдиган корхоналар тизимини яратишни маҳаллийлаштириш дастури ишлаб чиқилди ва қурилиш ишлари бошланди. 1996-2006 йилларда лак-бўёқлар, автомобил ўриндиқлари, ички жихозлари, электр кабеллари, шиналар, дисклар, тобланган ойналар, товуш пасайтиргичлар, ёқилғи баки, бамперлар ва бошқа бутлови қисмлар ишлаб чиқарувчи “ЎзДОНГКО”, “ЯапКО”, “Ўз-СЕМ ЮИН КО”, “Ўз-Донг Вон Ко”, “Ўз-Тонг Хонг Ко”, “Ўз-Корам Ко”, “Электромаш”, “Меридиан” каби 75 та янги қўшма корхоналар, ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилди. Маҳаллий ҳамкорлар томонидан 2006 йилнинг 11 ойи давомида “ЎзДЭУавто” заводи учун етказиб берган бутловчи қисмларнинг ҳажми 113,2 млн АҚШ доллари ташкил этди.¹ Акарият бутловчи қисмлар тайёрловчи корхоналарнинг Асака шаҳрида қурилиши шаҳар саноатининг юксаишига хизмат қилмоқда. Жумладан: “Ўз ДОНГ-Вонг” қўшма корхонаси, “Анзис” заводи шулар жумласидандир. Ушбу корхоналар ҳам “ЎзДЭУавто” қўшма корхоналарига керакли бутловчи маҳсулотларни етказиб бериш билан шуғулланмоқда.

“ЎзДЭУавто” унинг таркибидаги корхона ва иншоотларни барпо этиш учун 2000 йилгача 600 млн АҚШ доллари ўзлаштирилди.²

1999 йил октябрда Жанубий Кореядаги йирик “Эксинбанк” билан “ЎзДЭУавто” заводини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича битим тузилди ва “DAEWOO Motors” компанияси билан ҳамкорликда “ЎзДЭУавто” заводида “Матиз” ва “Нексия-2” русумли автомобиллар ишлаб чиқаришга киришилди.

“ЎзДЭУавто” завоидига 2000 йил январда “ISO-9001” сертификати берилди ва у МДХ мамлакатимиздаги енгил автомашина ишлаб чиқарувчилар орасида Халқаро сифат тизимидан фойдаланувчи биринчи корхона бўлди.³

Жаҳон молиявий инқирози туфайли, ҳатто Жанубий Корея Республикасининг “ДЭУ-моторос” корпарацияси ҳам 1999 йили ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди. Бирок шундай бир оғир вазиятда ҳам Асака автомобиль заводи ўз фаолиятини тўхтатмади.

2001 йил августда “ЎзДЭУавто” заводида янги линия барпо этилиб халқаро андозаларга тўлиқ жавоб берадиган, ҳар томонлама қулай, илғор дизайн ва техник афзалликлари билан ажралиб турадиган “Матиз” русумли янги автомобил ишлаб чиқариш

¹ Усмонов Қ. Ўзбекистон тарихи. Миллий истиқлол даври. Тошкент, Ўқитувчи. 2008.-Б. 160.

² Ўша жойда. –Б.161.

³ Шамсутдинов Р., Исҳоқов А. Андижон тарихидан лавҳалар. Тошкент. SHARQ. 2013. –Б. 399.

йўлга қўйилди. 2003 йилда яна бир линия барпо этилиб, “Ласетти” автомобили ишлаб чиқариш бошланди. 2004 йилда 70070 донa автомобил ишлаб чиқарилди.¹

Ўтган давр мобайнида Асакадаги “ЎзДЭУавто” қўшма корхонасининг пойдевори яратилди. 1996-2006 йилнинг биринчи ярмида 570 мингдан ортиқ автомобиль тайёрланди, уларнинг 198609 таси хорижий мамлакатларига экспорт қилинди.²

2002-2005 йилларда Ўзбекистон ҳукумати корхона фаолиятини қайта ташкил этиш билан шуғулланди. Натижада 2005 йилнинг октябрь ойида “ДЭУ моторс”нинг 100 миллион долларлик акцияси “Ўзавтосаноат” компанияси томонидан сотиб олинди. Шу тариқа корхона тўлиқ Ўзбекистон тасарруфига ўтди. Шундай қилиб, Асака автомобиль заводи ривожланишнинг янги босқичига чиқиб олди. 2005 йили корхонада 500 мингинчи, 2008 йили бир миллионинчи автомобилнинг ишлаб чиқарилиши Ўзбекистоннинг иқисодий-сиёсий ҳаётида катта воқеага айланди.³

“ЎзДЭУ авто” қўшма корхонаси ўз фаолиятини бошлаган 1996 йилдан бугунги кунга қадар бу ерда “Дамас”, “Тико”, “Нексия”, “Матиз”, “Ласетти”, “Шевролет-спарк”, “Эпика”, “Каптива”, “Токума”, “Нексия-2”, “Кобалт” каби 10 хилдан ортиқ ўзбек автомобилларини тайёрлаш йўлга қўйилди. Улар Россия, Украина, Қозоғистон, Озарбайжон, Молдова давлатларига экспорт қилинмоқда.

Европа автомобиль ишлаб чиқарувчилар ассоциацияси 2010 йилнинг 1-ярим йиллиги якунларига кўра Асакадаги “GM-Uzbekistan” қўшма корхонаси маҳсулотлари Россия автомобиль бозоридаги кучли ўнликдан ўрин эгаллаганликларини маълум қилди. Ушбу ташкилот 1995 йилдан бошлаб Европа компаниялари манфаатини ҳимоя қилиб келади. Россия бозоридаги автомобиллар сотувини таҳлил қилар экан, мазкур ассоциация 2010 йилнинг 1-ярим йиллигида 32 минг 316 донa автомобиль сотганлигини эътироф этди. Бу 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 17 фоизга кўп демакдир. Шу тариқа ўзбек автомобилсозлари сотув ҳажми бўйича 7 ўринни забт этишди.⁴ Шуниси эътиборлики, фақат июнь ойининг ўзида бу ерда 7 минг 395 донa автомашина сотилиб, унинг ўсиш суръати 77 фоизни ташкил қилди.⁵

“Нексия” энг харидоргир автомашиналардан бири бўлиб қолди. Ушбу моделдаги биринчи автомобиль 1996 йил 19 июлида ишлаб чиқарилган ва шу даврдан бошлаб экспортга йўналтирилган эди. 2008 йилнинг март ойида мазкур автомобилнинг “Нексия-2” деб номланувчи такомиллашган моделини ишлаб чиқариш жорий этилди. Ички ва ташқи бозорда айнан ушбу автомобилга бўлган эҳтиёж ортди. У Россиядаги энг харидоргир

¹ Усмонов Қ. Ўзбекистон тарихи. Миллий истиқлол даври. Тошкент, Ўқитувчи. 2008.-Б. 161.

² Ўша жойда.

³ Шамсутдинов Р., Исҳоқов А. Андижон тарихидан лавҳалар. Тошкент. SHARQ. 2013. –Б. 399.

⁴ Шамсутдинов Р., Исҳоқов А. Андижон тарихидан лавҳалар. Тошкент. SHARQ. 2013. –Б. 399.

⁵ Ўша жойда.

бўлган автомобиллар рейтингида 3 поғонани эгаллади. Ярим йилликда россиялик 18 минг 58 нафар харидор айнан ўзбек автомобиллини сотиб олишни афзал кўришди.¹

Россия бозорида “Матиз” автомобили ҳам ўз нуфузини сақлаб қолди. Рейтинг бўйича 11 ўринни эгаллаб турган бўлсада, ярим йилликда Россия бозорида унга бўлган эҳтиёж аввалги йилнинг шу даврига нисбатан 6 фоизга ортиб, 13 минг 736 тани ташкил этди. Июнь ойида “Нексия” каби “Матиз” автомобиль сотуви 50 фоизга ортган.²

2007 йил октябрь ойида “ЎзДЭУ авто” негизида “General Motors” корпорацияси билан ҳамкорликда “GM O'zbekiston” қўшма корхонаси ташкил этилди. Натижада Асакада дунёда машҳур “Shewrale” автомобиллари-“Captive”, “Epika”, “Takuma” русумли енгил автомобиллар ишлаб чиқарилмоқда.

Хуллас, мустақиллик йилларида Асака шаҳри том маънода саноатчилар, хусусан автомобилсозлар шаҳрига айланди. “Ўзбек мўъжизаси” айнин Асака шаҳрида бунёд этилган “ЎзДЭУ авто” қўшма корхонасида содир бўлди.

¹ Ўша жойда. –Б.400.

² Шамсутдинов Р., Исҳоқов А. Андижон тарихидан лавҳалар. Тошкент. SHARQ. 2013. –Б. 400.

II.3. Қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришлар.

Мамлакатимизда амалга оширалаётган иқтисодий тадбирларнинг ҳал қилувчи бўғинида қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширалаётган ислохатлар жараёни туради. Бунинг бош сабаби шуки, Ўзбекистон аҳолисининг 64 фоизидан кўпроғи қишлоқда яшайди. Қолаверса саноатга хом-ашё етказиб берадиган, одамларни кийинтирадиган ҳамда тўйдирадиган соҳа ҳам қишлоқ хўжалигидир. Асака тумани қишлоқ хўжалиги истиқлол йилларида жуда катта ўзгаришлар жараёнини ўз бошидан кечирди. Ушбу соҳани тубдан ислоҳ қилиш, аҳолининг мулкка бўлган янгича муносабатини қарор топтириш осон кечмади. Бироқ амалга оширилаётган ислохатлар жараёни асакалик деҳқонлар фаолиятида улкан ўзгаришлар ясади. Ер ўзининг ҳақиқий эгасини топди, мулкчиликнинг ширкат, ижара, оилавий пудрат ва фермерлик шакллари қарор топди, хуллас, деҳқон ернинг ҳақиқий хўжайинига айланди. Совет мустабид тизимидан мерос бўлиб қолган эскича ишлаш тартиблари ҳаётнинг шиддатли оқимларига бардош бера олмай қолди. Ўтган давр мобайнида Асака меҳнат аҳли қишлоқ хўжалиги соҳасида улкан синовлардан ўтиб, бой тажриба тўплади. Барча синов ва мавжуд қийинчиликлардан муваффақият билан ўтишда соҳа вакилларининг мулкка бўлган муносабати ўзгарди. Меҳнат аҳли ўзининг ерни ҳақиқий эгаси деб билганлиги ва қилинган заҳматнинг манфаатларидан баҳраманд бўлаётганлиги асосий белгилувчи омил бўлиб хизмат қилди. Истиқлол йилларида қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг янги шакли фермер хўжаликларининг ташкил топиши муҳим аҳамият касб этди. Асака қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг сони йилдан-йилга ошиб борди.

Дастлабки даврда қишлоқ хўжалиги моддий-техник таъминотининг оғирлиги, маблағнинг йўқлиги қатор муаммоларни юзага келтирди. Маҳсулот етказиб берадиган экин майдонларининг мелиоратив ҳолатининг ёмонлашгани, ернинг заҳлаши ҳаддан зиёд кучайганлиги, ариқ-завурларнинг кўмилиб кетиши туфайли тупроқнинг ҳолати жиддий бузилди. Собиқ совет даврида ҳукм сурган пахта якка ҳокимлигидан воз кечиш, экин майдонларининг асосий қисмини донли экинларни экиш, боғдорчиликка айлантирилиши

каби тадбирлар халқнинг озиқ-овқат маҳсулотига бўлган талаб-эҳтиёжини қондириш муҳим масала бўлиб қолди.

Мустақиллик йилларида фермер хўжаликларининг ташкил топиши муҳим аҳамият касб этди. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг 1-моддасига асосан фермер хўжалиги ўзига зок муддатли ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи фермер хўжалиги аъзоларининг биргаликдаги фаолиятига асосланган юридик шахс ҳуқуқларига эга мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.¹ Туман қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликларининг сони йилдан-йилга ошиб борди, буни қуйидаги мисолдан ҳам билиб олса бўлади. Агар 1996 йилда 109 та деҳқон фермер хўжаликлари бўлган бўлса, 1998 йилда 120 тага етди.²

Мулкчилик шакллариининг ўзгариши деҳқон ва чорвадорнинг меҳнатга бўлган муносабатини тубдан ўзгартирди. Мустақиллик йилларида вилоят қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохатлар жараёнида жуда катта тажриба қўлга киритилди. Республика ва вилоят ҳокимиятининг ёрдами ва туман деҳқонларининг тадбиркорлиги туфайли қишлоқ хўжалиги анча юксалди.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Ўзбекистон республикаси ҳукумати мамлакатнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида донли экинларга алоҳида эътибор бериб, ғалла мустақиллигини таъминлаш борасида муҳим чоралар кўрди. Ғалла экин майдонларини кенгайтириш билан бирга, унинг ҳосилдорлигини ошириш борасида ҳам бир қатор муҳим ишлар қилинди. Мамлакатда 1992 йили 56,20 минг гектар майдонга буғдой экилиб, 19,6 центнердан ҳосил олиниб, жами 110 минг 105 тонна буғдой давлат сотилди.³ Асака туманида 1991 йили 2051, 1992 йили 25164 тонна ғалла олиниб давлатга сотилди.⁴ Бу кўрсаткичларга пахта экин майдонларини камайтириш ҳамда янги ўзлаштирилган ерларнинг асосий қисмига донли экинларни экиш ҳисобига эришилди.

Асака туманида иқтисодий ислохатларнинг амалга оширилиши асосида халқ хўжалиги таморқаларида ижобий силжишлар ўз таъсирини кўрсатди. 1995 йилга келиб қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш анча сезиларли равишда ўсди.

¹ Ўзбекистон янги тарихи. Учунчи китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. Тошкент, Шарқ. 2000. –Б.171.

² Асака ҳаёти. 1998 йил 7 декабрь.

³ Ўзбекистон янги тарихи. Учунчи китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. Тошкент, Шарқ. 2000. –Б.241.

⁴ Асака ҳаёти. 1993 йил 4 январ.

Асакада қишлоқ хўжалигидаги жами экин майдони 11070 гектарга тенг. Шундан 5995 гектар ерга пахта, 3902 гектарга буғдой, 47 гектар ерга сабзавот экилади: ем-хашак экинлари 1114 гектарга, мева ва токзорлар қарийб 2000 гектар ерни ишғол қилади.¹

Туманда 2000 йилда 2 жамоа хўжалиги (Бобур номидаги жамоа хўжалиги, “Шарқ ҳақиқати”), 8 ширкат хўжалиги (“Янги ҳаёт”, “Навбахор”, “Ўзбекистон”, “Ғалаба”, “Ўзбекистон мустақиллиги”, “Наврўз”, “Асака”, “Ғулом Ёкубов” номидаги ширкат хўжалиги) ва “Соҳибкор” мева-токчилик ширкатлар уюшмаси фаолият олиб борган.²

Давлат хусусий ва шахсий чорвачиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб, моддий-маънавий ёрдамни ҳамда ҳуқуқий ҳимояни кучайтирди.

Натижада Асака туманида ҳам бутун Республикамизда бўлгани каби қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш анча ўсиб, ҳукуматимиз томонидан қайд этилган кўрсатмалар ўз амалий натижаларини берди. Бунга қишлоқ хўжалигига келтирилган янги техник ускуналар ҳам ҳосилдорликни ўсишига, меҳнат унумдорлигини ошишига олиб келди.

Туман “Таъминоттузатиш” корхонаси машина-трактор паоки юқори иш унуми ва бошқа қатор афзалликларга эга “Кейс” русумли 5 дон дон комбайни олди. Бу янги техникалар 4,5 ва 6,5 метр кенгликдаги жаткаларга эга бўлиб, бир сменада 30 гектар майдонни ўриш қудратига эгадир. 1996-2000 йиллар оралиғида туманга яна қўшимча 400 га яқин техника лизинга олиб келинди. 2000 йил туманда барча тракторлар сони 1197 тани ташкил қилди.³

Асака тумани дарҳақиқат мустақиллик йилларида саноатда бўлгани каби қишлоқ хўжалигида ҳам сезиларли ютуқларни қўлга киритди. Биргина 2000 йилда туман меҳнаткашлари қишлоқ хўжалигида пахтадан 19,0 минг тонна, ғалладан 30,0 минг тонна ҳосил кўтаришди⁴ ва Республикамизда илғор туманлар қаторида қайд этилди.

2006 йил тумандаги 2 жамоа хўжалиги (Бобур номидаги жамоа хўжалиги, “Шарқ ҳақиқати”), 8 ширкат хўжаликлари (“Янги ҳаёт”, “Навбахор”, “Ўзбекистон”, “Ғалаба”, “Ўзбекистон мустақиллиги”, “Наврўз”, “Асака”, “Ғулом Ёкубов” номидаги ширкат хўжалиги) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 ноябрдаги 215 –сонли, вилоят ҳокимининг 2005 йил 11 ноябрдаги 197-сонли, Асака тумани ҳокимининг 2005 йил 14 ноябрдаги 525-сонли қарорига асосан тугатилиб, улар ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этиш бўйича тендер танловлари эълон қилинди.⁵ Танлов 2006 йил 11-15 январ кунлари ҳар иккала жамоа хўжалиги ва 8та ширкат хўжалигида ҳам ўтказилди.

Танловга жами 11000 гектар ер қўйилди. Шу майдонларда 192 та фермер хўжаликлари фаолият кўрсатадиган бўлди. Жумладан, пахта ва ғаллачиликда 82 та, боғдорчиликда 70 та,

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1 жилд. Тошкент, 2000 –Б.446.

² Ўша жойда.

³ Асака тумани ҳокимлиги жорий архиви. 2000 йил 13 декабрь йил якунлари ҳисоботи. 12-21 варақлар.

⁴ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1 жилд. Тошкент, 2000 –Б.446.

⁵ Андижоннома. 2006 йил 3 январ

сабзавотчиликда 12 та, чорва ва паррандачиликда 20 та ва бошқа йўналишларда 8 та фермер хўжаликлари ташкилланди ва фаолият кўрсатмоқда.¹

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 12 ноябрдаги 115-сонли қарори бўйича Асака тумани ҳудуди қора экинга ихтисослаштирилди. Хозирда пахтачилик экин майдонлари ўрнига полиз ва қора экин маҳсулотлари етиштирилмоқда.

Асака туманида Андижоннинг энг мафтункор ва сўлим гўшаларида Асака чўнтаги жойлашган. Чўнтак Токанбой Эгамбердиев номидаги маданият истироҳат боғининг тепа, чекка қисмига туташган. Шаҳрихонсойдан бошланган Ёв ариғи 6 км масофада юқорилаб оқиб, Чўнтакка етганда адир ён бағирлари бўйлаб оқиб чойхона сўрилари остидан ўтади. Арикда радиуси 6,5 метрли, 110 кўрачаси бўлган чархпалак айланиб туради. Ушбу чархпалак бу ердаги 3 улкан чархпалакнинг энг каттаси бўлиб, унинг ёрдамида боғнинг юқори қисми суғорилади. Асака чўнтаги атрофга нисбатан анча баланд. Шунинг учун бу жой ёз палласида хушхаво, оромбахш масканга айланади.

Асаканинг барча жойларида ободонлаштиришга эътибор кучайтирилган. Қишлоқлар ва маҳаллалар марказларида савдо ва маиший хизмат шахобчаларига эга бўлган гузарлар ташкилланган.

Хуллас, мустақиллик йилларида Асакада саноат қатори қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилди. Бир сўз билан айтганда Асакада қишлоқ хўжалиги сердаромад соҳалардан бирига айланди.

¹ Асака ҳаёти. 2007 йил 14 апрель.

3-боб. Асака шахрининг мустақиллик йилларидаги маънавий камоли.

3.1. Мустақиллик йилларида таълим ва фанни юксалиши.

Ўзбекистон Республикасида мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб жамиятни ислоҳ қилиш ва янгилаш жараёнининг энг муҳим бўғини, жамиятдаги демократик ўзгаришларнинг, иқтисодий ва барқарор ривожлантиришнинг, Республикамизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви нинг зарур ва мажбурий шарт сифатида таълим соҳасини ислоҳ қилиш сиёсати изчиллик билан амалга оширилмоқда. Белгиланган мақсадга эришиш учун 1997 йил 29 августда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қабул қилиниб муваффақиятли амалга оширилмоқда.¹

Ана шу даврдан эътиборан ёш авлодни тарбиялаш усуллари ва йўналишларида миллий руҳиятимизга мос томонлар ишлаб чиқилди, ёш авлодни тарбиялашнинг янги тизими қарор топа бошлади. Халқимиз қўлга киритган истиқлол ҳамда мамлакатимизда амалга оширилаётган қатор ислохатлар туфайли ёш авлодга таълим ва тарбия беришнинг кўплаб ижобий усуллари, миллий дунёқарашимизга ҳамоханг бўлган тизими қарор топа бошлади.

Жамиятнинг қанчалик даражада ривожланганлиги шу жамиятда истикомат қилаётган ёшларга берилаётган таълим ва тарбиянинг қай аҳволда эканлиги билан белгиланади. Чунки ҳар томонлама ривожланган ёки ривожланишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган давлат аввало бўлғуси авлоднинг юксак даражада малакага эга бўлиши учун ҳар томонлама ғамхўрлик қилмоғи лозим.

Халқимиз қўлга киритган истиқлол шарофати билан Республикамиз халқ таълими тизими ҳам ҳар томонлама янгилаш жараёнини ўз бошидан кечирмоқда. Ўтган ўн етти йил давомида халқ таълими ва тарбия беришнинг янги-янги усуллари ишлаб чиқилиб ҳаётга татбиқ этилди. Таълим-тарбия масканларининг миқдор ва сифати ўзгарди, умумий мактаблар билан бир қаторда махсус ихтисослашган мактаблар, лицей ва коллежлар, гимназиялар ташкил этилди. Шуни қайд этиб ўтиш жоизки, Асакада мустақиллик йилларида фаолият кўрсатиб, ёшларга таълим ва тарбия бераётган зиё масканлари ҳисобланган умумий таълим мактабларининг миқдори йилдан-йилга ортиб бормоқда. Чунончи, 1990-1991 ўқув йилида Асака шаҳрида 9та умумий таълим мактаби, туман бўйича 51 та умумий таълим мактаби ёшларни тарбиялашда фаолият кўрсатди.²

¹ Ўзбекистон янги тарихи. Учунчи китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. Тошкент, Шарқ. 2000. –Б.321-322.

² Асака туман халқ таълими бўлими жорий архивидан. 2006 йил ҳисоботи. 121-124 varaқлар.

Асака шаҳрида 1999 йилда мактабгача тарбия муассасалари сони 29 та бўлиб, уларда 2880 нафар болаларга 280 нафар педагог таълим тарбия берди.¹

“Таълим тўғрисида”ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастури асосида мактабгача таълим муассасаларини фаолиятини яхшилаш, таълим-тарбия учун зарур бўлган замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш масаласида муҳим ишлар қилинди.

Президантимиз Ислон Абдуғаниевич Каримов янги давр шароитида таълим тизимида ислохотларнинг зарурлиги ҳақида тўхталиб, “Иқтисодий ва сийсий соҳалардаги ислохотларимизнинг пировард мақсади юртимизда яшаётган барча фуқаролар учун муносиб ҳаёт шароитларини ташкил этиб беришдан иборатдир. Айнан шунинг учун ҳам маънавий жиҳатдан мукаммал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий истиқлол ғоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади”,² деб бежиз таъкидламаган эди.

Чунки, таълим тизимида туб ислохотлар ўтказмасдан, уни эски тузум қолдиқларидан тозаламасдан, жаҳон таълим андозаларига кўтармасдан туриб, Ўзбекистоннинг мавқеини оширадиган, ҳар томонлама билимдон ва баркамол инсонларни вояга етказиб бўлмайди.

Республикамиз халқ таълими соҳасида бўлгани сингари Асака халқ маорифи тизимида ҳам кейинги йилларда сифат ва миқдор ўзгаришларига эришилди.

2000-2001 ўқув йилида Асака шаҳрида 10 та, туман бўйича 51 та умумий ўрта таълим мактабларида 37,6 минг ўқувчига 2376 нафар ўқитувчи таълим ва тарбия берган бўлса, 2009 йилга келиб ўқитувчилар сони 2769 нафарни ташкил этди.³ 2001 йилда мактабларнинг 34 таси замонавий 17 таси мослашган биноларда жойлашган бўлиб, 38 нуқтада телефон алоқаси ишлаб турган. 4 та мактабдан ташқари таълим муассасалари, спорт, техника, сайёҳлик ва бошқа турлардаги 37 номдаги тўғаракларда 2763 нафар ўқувчи машғулотлар олиб борди.⁴

Асака шаҳридаги 2,4,5,6,8,9-ўрта мактабларда 2001-2002 йилларда капитал таъмирлаш ишлари олиб борилди ва улар учун 32 миллион сўм сарфланди. Жорий таъмир учун 30 тонна оҳак, 2500 кг бўёқ, 292 метр квадрат ойналар ажратилди. Бу борада “GM-Uzbekistan” қўшма корхонаси, “Асака ёғ акциядорлик жамияти”, “Асака ун маъсулиятли чекланган жамияти”, “ФАМ” қўшма корхоналарининг ҳомийлик ёрдами катта бўлди.⁵

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” талаблари асосида умумтаълим мактабларига ўрта махсус маълумотли педагогларнинг олий маълумот олишлари учун 2001 йил 28 июнда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан 2001-2002 ўқув йилида

¹ Раҳмонов С. “Асака”. Тошкент, Ўзбекистон. 1999 й. –Б.31.

² Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби мқаддасдир. 3-жилд. Тошкент, Ўзбекистон. 1996. –Б. 77-78.

³ Асака ҳаёти. 2009 йил 27 март.

⁴ Асака ҳаёти. 2001 йил 21 декабрь.

⁵ Асака шаҳар халқ таълими бошқармаси. Жорий архиви 2002 йил ҳисоботи. -Б. 14-18.

ўрта махсус маълумот ва тегишли таълим тури бўйича камида уч йил амалий педагог стажга эга бўлган педагог кадрлардан бакалаврлар тайёрлаш учун давлат грантлари асосида квоталар белгиланди. Ушбу қарор асосида Асака шаҳридаги 175 нафар ўрта махсус маълумотли ўқитувчилар Андижон Давлат Университети, Фарғона Давлат Университети, Наманган Давлат Университети, шунингдек бошқа олий ўқув юртларда олий маълумот олиб, ўз билим малакаларини янада оширдилар.

Асака шаҳридаги 10 та мактаб, 22та болалар боғча ва яслилари, 2та мактабдан ташқари таълим муассасаси газ билан иситишга мўлжалланган бўлиб, уларнинг газ қувурлари қайта таъмирланди, сув келадиган трубалар қайта таъмирланиб, жиҳозланди.

2005-2006 ўқув йилида мактаб ўқувчиларининг 6,7 ва 9 синфлари учун 2005-2006 ўқув йилида 45 номдаги ўқув дарсликлари олиб келиб тарқатилди ва ижара тўловли 100 фоиз бажарилди. Ушбу ўқув йили учун 8 синфларга ижара китоблари олиб келиб тарқатилди. Мактаб кутубхоналари фондини бадиий адабиётлар билан тўлдириш мақсадида “мактаб-кутубхона-оила-жамоат ташкилоти” хайрия тadbирлари йил давомида мактабларда амалга ошириб борилди. Хайрия тadbирига ота-оналар, ўқувчи ва ўқитувчилар ва хомийлар жалб қилинди. Хомийлар асосан “собиқ битирувчилар” бўлишди. 2006 йил июнь ойига келиб 17600 донa бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган, лотин алифбосида чоп этилган эртақлар, ҳикоялар, шеърлар тўпламлари кутубхоналар фондига кирим қилинди.

Асака шаҳар умумтаълимига қарашли 2,5,7,8,9-мактабларда “Ахборот-ресурс” маркази, 3,4,10-мактабларда “Етакчи кластер” ускуналари ўрнатилди.

Вояга етмаган ўқувчи ёшларни бой маданий меросимизга, тарихий анъаналаримизга, миллий кадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш, болалар иқтидорини юзага чиқариш мақсадида таълим масканларида кўплаб маънавий-маърифий тadbирлар ташкилланиб борилмоқда.

Асака шаҳридаги мусиқа маданият саройида мусиқа мактаби фаолият кўрсатиб келмоқда. Мактабда 2007-2008 ўқув йилида 25 нафар ўқитувчи ишлаб 330 нафар ўқувчи таълим олди.¹ Мактабда миллий чолғу асбоблари, пианино, фортопианино, боян каби мусиқа асбобларида ўқувчилар куй ўрганишади. Шунингдек, ушбу мусиқа маданият саройи қошида, турли хил мусиқага оид тўғарақлар ҳам фаолият юритади. Унга шаҳардаги бошқа мактаблардан ўқувчилар ҳам жалб этилган бўлиб ёшлар ушбу тўғарақларда мусиқа сирларини ўрганиб келмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 23 сентябрдаги 406 сонли “1999-2005 йилларда Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг моддий техник базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш дастури тўғрисидаги қарорига ҳамда Олий

¹ Асака шаҳар халқ таълими бошқармаси. Жорий архиви 2008 йил ҳисоботи. -Б. 71-73.

ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими Марказининг 1999 йил 9-августдаги №153 сонли буйруғига асосан Асака шаҳридаги 4 касб-хунар мактаби биносини реконструкция қилиш ҳисобига Андижон давлат университети қошида Асака академик лицейи ташкил этилди”.¹

Асака академик лицейида бугунги кунда 800 нафар ўқувчи ёшлар таълим-тарби олмоқда. Лицейда жами 67 нафар ўқитувчи ёшларга билим бермоқда. Улардан 1 нафари фан номзоди, 20 нафари олий тоифали, 19 нафари 1 тоифали, 13 нафари 2 тоифали, 24 таси ёш мутахассислардир.

Лицейни 2001-2002 ўқув йилида илк бор 220 нафар талабалар битирдилар, шундан 162 нафари олий ўқув юртларига кирдилар, кўрсаткич фоиз ҳисобига 76 фоизни ташкил этди. 2002-2003 ўқув йилида 66 нафар талабалар лицейни битириб шундан 55 нафари олий ўқув юртларига кирдилар. 2003-2004 ўқув йилида 118 нафар талабалар лицейни битирдилар, шундан 87 нафари олий ўқув юртларига кирдилар, бу 75 фоиз талаба олий ўқув юртига кирди деганидир. 2004-2005 ўқув йилида лицейни 159 нафар талаба битириб улардан 126 нафари олий ўқув юртларига кирдилар. Бу битирувчи талабаларни 81 фоизи олий даргоҳларга кирганини билдиради. 2006-2007 ўқув йилида 226 нафар битирувчининг 117 нафари, 2007-2008 ўқув йилида 233 нафар лицей битирувчисининг 124 нафари, 2008-2009 ўқув йилида 243 нафар битирувчи талабанинг 138 нафари олий ўқув юртларига кирдилар.² Бундан кўриниб турибдики лицейда талабаларга ниҳоятда чуқурлаштирилган ҳолда дарслар ташкилланади. Бу эса талабалар билимида ўз ифодасини топмоқда.

Шаҳар халқ таълими ривожига муносиб ҳисса қўшган таниқли, тажрибали, юқори билимли ва таълим-тарбияни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган лицей педагогларининг меҳнати юқори баҳоланиб ҳукуматимиз томонидан тақдирланиб келинмоқда. Жумладан, Республикамиз мустақиллигининг 12 йиллиги муносабати билан олий тоифали тарих фани ўқитувчиси Хосиятхон Алижонова Президентимиз фармонида кўра “Шухрат” медали билан тақдирланди. Шу йили биология фани ўқитувчиси О Аҳмедова “Ўрта махсус касб-хунар таълими аълочиси” кўкрак нишони билан, 2004 йилда она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси М. Қосимова “Ўрта махсус касб-хунар таълими аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирланди. 2004 йили биология фани ўқитувчиси О Аҳмедова “Шухрат” медали билан тақдирланди. 2005 йил лицей директори Д. Мўминов ва директор ўринбосари И Жўрабоевлар “Ўрта махсус касб-хунар таълими аълочиси” кўкрак нишони билан тақдирланди.³

¹ Қосимова М., Юнусова М., Мадиярова М. Асака академик лицейи 10 ёшда. Асака, 2009. –Б. 4.

² Қосимова М., Юнусова М., Мадиярова М. Асака академик лицейи 10 ёшда. Асака, 2009. –Б. 7.

³ Қосимова М., Юнусова М., Мадиярова М. Асака академик лицейи 10 ёшда. Асака, 2009. –Б. 14.

Асака шаҳрида мустақиллий йилларида бешта касб-ҳунар коллежлари курилиб ишга туширилди. Жумладан 1999 йилда Асака қишлоқ хўжалиги коллежи (500 ўқувчи), 2000 йилда Асака ижтимоий-иқтисодиёт ва педогогика коллежи (600 ўқувчи), 2000 йилда Асака маиший хизмат касб ҳунар коллежи (750 ўқувчи) курилиб ишга туширилди.¹ 2009-2010 ўқув йилида ушбу касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейга 2470 нафар ўқувчилар қабул қилинди.

Бу мактаблар битирувчиларининг 74 фоизини ташкил қилади. Мактабнинг оғир юкини елкасига олиб, таълим-тарбияда алоҳида ўрин тутатган коллеж ва лицейларга қизиқиш ва талаб ортиб бормоқда. Жумладан, 2000 йилда куриб ишга туширилган Асака маиший хизмат касб-ҳунар коллежи замонавий таълим дастурлари асосида қурилган бўлиб, ёшларга билим беришда етакчи услублардан фойдаланиб, 2005 йилда коллежда 75 нафар ўқитувчи мураббий, 750 нафар талабага таълим берди.

Коллежда компьютер операторлиги, В ва С тоифали транспорт хайдовчиси, бухгалтер-аудит, фермер-механизатор, почта алоқачиси ва халқаро алоқа мутахасислиги, ҳуқуқшунослик, инжинеринг мутахасислиги бўйича талабаларга малакали таълим берилмоқда. Коллежда компьютер ва бошқа замонавий алоқа воситалари, иккита юк машинаси, трактор ҳамда енгил автомашинадан машғулотларда кенг фойдаланилмоқда. Коллежда ҳар жиҳатдан қулай жиҳозланган автодром ишлаб турибди. Талабалар “ЎзДЭУ авто” қўшма корхонасида, “Ёғ заводида”, “Асака телеком” бошқармаси телефон алоқа филиалларида ҳафталик амалиётларни ўташмоқда. Коллежда спорт ўйингоҳи, ёзги клуб, кутубхона ўқувчилар ихтиёрига бериб қўйилган.²

Асака шаҳрида бугунги кунда 2та кинотеатр, маданият уйи, 2та клуб, 15 кутубхона, 2 та гимназия маданий соҳада фаолият олиб бормоқда.³ Шаҳарда Тошканбой Эгамбердиев номидаги маданият ва истироҳат боғи бор. Боғнинг энг тўрида Асакада яшаб ўтган авлиёлардан Хожа Абдуллоҳ Туғдо қабри ўрнида мақбара қурилди. Бу жой зиёратгоҳ, муқаддас маскан ҳисобланади. Зиёратгоҳ яқинида Шаҳрихонсойнинг бош тўғони жойлашган.

Хуллас, мустақиллик йилларида Асакада бутун Республикамизда бўлганидек таълим, фан ва маданият соҳасида улкан ўзгаришлар амалга ошди. Айниқса таълим тизими ҳар томонлама юксалиб, замонавий, жаҳон андозасига мос таълим тизими шакллантирилиб, мактаблар замонавий моддий-техник жиҳатдан тўлиқ таъминланиб, юқори малакали педагог кадрлар билан таъминлаш масаласи ижобий ҳал қилинди. Энг муҳими шаҳарда ёш авлодни

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1 жилд. Тошкент, 2000 –Б.444-446.

² Ушбу маълумотлар Асака маиший хизмат касб-ҳунар коллежи директори И Жўрабоев билан суҳбатда ёзиб олинди. 2014 йил 4 апрель.

³ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1 жилд. Тошкент, 2000 –Б.444.

тарбиялаш, миллий мустақиллик, миллий ғоя эътиқодлари руҳида тарбиялаш, юксак даражадаги билимга эга бўлган ўқувчи ёшларга таълим-тарбия бериш масаласи ижобий ҳал этилмоқда.

III. 2. Соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт.

Асаканинг биринчи тиббий муассасаси 1927 йили фельдшерлик пункти сифатида Шаҳрихон кўчасидаги ҳарбий комиссариатининг эски бир қаватли биносида ташкил топди. 1930 йилга келиб Асакада 1 врач ва 3 нафар фельдшер аҳолига хизмат қила бошлади.

1929 йили Ёғ заводи хизматчилари учун қурилган уй-жой даҳасидаги бир кўпхонали уй амбулаторияга мослаштирилиб, тиббий анжомлар билан жиҳозланди. Шундай қилиб, Асакада бирини амбулатория юзага келганди.

1940 йилда шаҳар табобати соҳасида илк бор туғруқхона қурилиб (ҳозирги ички ишлар бўлими биноси) ишга туширилди. 1960 йиллар охирида ҳозирги Амир Темур кўчасида махсус лойиҳа асосида 130 ўринли, замонавий жиҳозланган янги туғруқхона фойдаланишга топширилди.

1942 йилда собиқ Иттифоқнинг ғарбий ҳудудларидан Ўзбекистонга кўплаб врач мутахассисларининг эвакуация қилиниши натижасида Асаканинг тиббиёт соҳаси ҳам турли ихтисосдаги шифокорлар билан таъминланди.

1955 йилда Андижон тиббиёт олийгоҳининг очилиши малакали шифокорлар тайёрлашда бурилиш ясади. Ушбу олийгоҳ 1961 йили биринчи битирувчилар қаторида асакалик ёшлар-Абдулбоқи Аҳмадалиев, Турсуной Икромов, Нозимжон Сулаймоновлар йўлланма билан келиб, Асакада иш бошладилар. 1963 йили шаҳардаги муҳташам бинолардан бири касалхона учун тақдим этилди. Шундай қилиб, Навоий кўчасида 110 ўринли 2-шаҳар касалхонаси ташкил топди. Ушбу касалхонада намунали тиббий хизмат шаклланишида турли даврларда бош врачлик вазифасида ишлаган Александра Тоскина, Саодатхон Мадумароваларнинг хизматлари катта бўлган.

Марказий шифохонадаги даволаш ишларининг самарали ва сифати кўп жиҳатдан жарроҳлик бўлими фаолиятига боғлиқлиги кўпчиликка аён. Асака касалхонасида жарроҳлик

соҳасига асос солган Владимир Савинов ўзининг билими ва касб маҳорати билан катта обрў топди. У Олимжон Умаралиев, Андрей Демьяченко ва бошқаларга устозлик қилди. Кейинги йилларда жарроҳлик бўлими жамоаси билимдон, тажрибали жарроҳ Ғуломжон Неъматов раҳбарлигида фаолият юритди.

1990 йили Саттор Обидов кўчасида замонавий, тўрт қаватли, махсус лойиҳа асосида поликлиника биноси қурилиб фойдаланишга топширилди.

Мустақиллик йилларида шаҳарда тиббиёт мутахассисларига бўлган эътибор ўсиб, уларнинг тажрибалари умумлаштирилиб, республика илмий-услубий марказлари билан алоқаси мустаҳкамланди.

Шаҳар аҳолиси соғлиғини сақлаш мақсадида, янги даволаш муассасалари қурилиб, уларни замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан таъминлаш масаласида алоҳида ишлар амалга оширилди. Хорижий давлатлардан замонавий тиббиёт ускуналари олиб келиб ўрнатилди. Шаҳардаги мавжуд шифохоналар ва даволаш масканлари эскиси қайта таъмирланиб, даволаш ўринлари сони ошиб борди.

Шаҳарда ўрта маълумотли тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, ўрта тиббиёт ходимларини тайёрлашда Асака, Андижон тиббиёт коллежларининг хиссаси катта бўлди. Шунингдек, Тошкент ва Андижон тиббиёт институтлари шаҳардаги тиббиёт ходимларини малакасини ошириш ва услубий ишларини яхшилашда амалий ёрдам берди.

Шаҳар инфратузилмасининг яхшиланиши туфайли аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш, замонавий билимга эга тиббиёт ходимлари хизматини ташкил этиш, даволаш муассасаларини замонавий талаблар даражасида қуриш, етарли дори-дармон, тиббиёт асбоб-ускуналари билан таъминлаш бўйича муҳим тадбирлар ишлаб чиқилди. Натижада 1995 йил шаҳарда тиббий хизмат кўрсатиш яхшиланди.

196 йил Вазирлар Маҳкамасининг 182-сонли қарори асосида шаҳарда соғлиқни сақлаш масаласида муҳим аҳамиятга эга бўлган амалий ишлар бажарилди. Шаҳарда 1997 йили 150 ўринли амбулатория-поликлиника қуриб ишга туширилди.¹

1999 йилга келиб шаҳар соғлиқни сақлаш тизимида 545 ўринга эга бўлган 4 та касалхона, 3 та амбулатория-поликлиникаси, 3 та поликлиника, битта саломатлик маркази фаолият олиб борган. Ушбу муассасаларда 145 нафар олий маълумотли, 730 нафар ўрта махсус маълумотга эга бўлган мутахассислар халқ саломатлигини сақлаш борасида фаолият кўрсатган.²

¹ Комилов Т. Асакалик азаматлар. Андижон. Ahdijon нашриёти. 1998. –Б.31.

² Раҳманов С. Асака. Тошкент, Ўзбекистон. 1999. –Б.33.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида малакали мутахассисларни ишга қабул қилиш ва уларни моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун бир катор тадбирлар ўтказилди. Шаҳарда олий маълумотли шифокорлар сони йилдан-йилга маълум даражада ўсиб борди. Ўз навбатида бу мутахассисларнинг ишлаши ва яшаши учун етарли даражада имкониятлар яратилди.

“Эл соғлиги-юрт бойлиги” деган ибратли нақл бежиз айтилмаган. Асака шаҳрининг ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва маданий соҳаларда қўлга киритган ютуқларида, шубҳасиз иқтидорли, билимли, жонкуяр шифокорлар тиббиёт равнақи учун ҳалол ва виждонан меҳнат қилиб, элимиз ҳурматиغا сазавор бўлдилар. Жумладан, Ф.Асомиддинов, С. Мадумарова, Н. Камолов, А.Бикова, М. Ҳожиматов, Н.Тўракулова, А. Умаров, Ғ.Неъматовларга ўхшаган юзлаб шифокорлар бунга мисол бўлади.

Тиббиёт соҳасини ривожлантириш шаҳар ҳокимлиги эътиборидаги муҳим масала бўлиб, 2001 йилда Марказий шифохона туғруқ мажмуаси капитал таъмирдан чиқарилди. Шунингдек, бир қанча бўлимларда жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бу ишларда шаҳардаги барча ташкилотлар ўз имкониятлари даражасида кўмак бердилар.

Президентимизнинг 1998 йил 10 ноябрдаги 2101-сонли “Ўзбекистон Республикасида соғлиқни салаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида”ги фармони талабларидан келиб чиқиб, беш йилда шаҳар соғлиқни сақлаш тизимида кўплаб ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2001 йилда шаҳар марказида Шошилинч тиббий ёрдам маркази қурилиб фойдаланишга топширилди.

Асака шаҳрида биринчи дорихона 1937 йили ташкил топган бўлиб, 1990 йилда шаҳарда 2 та давлат тизимида дорихона фаолият кўрсатган эди.

Мустақиллик йилларида аҳолини дори-дармонга бўлган эҳтиёжини қондириш борасида ҳам кўплаб самарали ишлар амалга оширилди. Шаҳарда бугунги кунга келиб 4 та давлат тизимидаги, 34 та хусусий дорихона халқга малакалий хизмат кўрсатмоқда.

Шаҳарда бугунги кунда 2та кинотеатр, маданият уйи, 2та клуб, 15 кутубхона маданият соҳасида фаолият кўрсатиб келмоқда.¹

Асака театри 1932 йил ҳаваскор ёшларнинг “Кўк кўйлак” труппаси асосида ташкил этилган. 1933-1939 йиллар вилоят мусикали драма театри деб номланган. Театр жамоасида турли даврларда Зулунбек Мамадалиев (режиссёр), Ғанижон Тошматов, Юсуфжон Дадажонов, Қахрамон Йўлчиев, Ғуломжон Рўзиев (мусика раҳбарлари), Маманурхон Долихўжаев, Абдураим Маткаримов, Ҳалимахон Дадажонova (актёрлар), Турсунхон Акбарова, Ойшахон Усмонова, Хабибахон Охунова, Турсунбой Юсупов (хонандалар), Ширмонхон Ғозиева, Ойдин Акбарова (раққосалар) ва бошқалар самарали фаолият олиб

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1 жилд. Тошкент, 2000 –Б.444.

борганлар. Театр репертуарларида “Халима”, “Нурхон”, “Гулсора”, “Фарход ва Ширин” каби мумтоз сахна асарлари бор эди. 1939 йил театр жамоаси тарқатиб юборилди. Урушдан кейинги дастлабки йилларда яна шаклланди ва “Нефтчилар” клубида фаолият кўрсатди. 1959 йилда театр “халқ театри”га айлантирилди.¹ Бугунги кунда ҳам театр жамоаси ўз фаолиятини давом эттирмоқда.

Шаҳарда мустақиллик йилларида жисмоний тарбия ва спорт соҳаси ҳам ривожланмоқда. Полвонлар, чавондозлар, енгил ва оғир атлетикачилар эришган ютуқлар ҳақида газета ва журналларда ўтмишда кўплаб мақолалар эълон қилинган. Асакада 1930 йиллардаёқ дастлабки футбол жамоаси тузилган 1950 йилларга келиб Асака терма жамоасининг довуғи вилоят миқёсида танилди. 70 йилларда эса Асаканинг “Старт” эркалар командаси чим хоккейи бўйича олий лига мусобақаларида қатнашган. Асакалик оғир атлетикачи Ноил Муҳаммадёров оғир атлетика бўйича ўтказилган жаҳон биринчилигида кумуш медалб совриндори бўлган.²

Мустақиллик йилларида бундай жаҳон ва Осиё совриндорлари, Ўзбекистон чемпионлари сони Асакадан кўплаб етишиб чиқди. Жумладан, Асакалик Ашуров Аҳмадбек спортнинг карате тури бўйича 2009 йили 47 кг вазнда Марказий Осиёда иккинчи бор чемпион бўлди.³ 2010 йил Москвада ўтган карате бўйича Жаҳон чемпионатида Асакалик Биродар Дадашев олтин медални қўлга киритиб ўз вазнида жаҳон чемпиони деган унвонга сазовор бўлди. Бугунги Асака шаҳридаги 9 мактаб битирувчиси Олег Зотеев футбол бўйича Ўзбекистон Республикаси терма жамоаси аъзосидир.

Шаҳарда ҳозирги пайтда 3 мингдан ортиқ кишини бирлаштирган спортнинг турли йўналишларига ихтисолашган 32 та жисмоний тарбия жамоалари фаолият кўрсатмоқда. Айни чоғда 3 та стадион, 7 та футбол майдони, 3 та мини футбол майдони мавжуд. Ҳозирда шаҳарда 1 та спорт комплекси ва сузиш ҳавзаси қурилмоқда. Кейинги йилларда бир неча 1 разрядли спортчилар, спорт усталигига номзодлар, Ўзбекистон Республикаси спорт усталари, халқаро миқёсдаги спорт усталари, жаҳон ва Осиё чемпионлари ва совриндорлари тайёрланди.

Хуллас, мустақиллик йилларида Асака шаҳрида халқ соғлигини сақлаш, маданият ва спорт соҳаларида сезиларли ҳамда салмоқли ютуқлар қўлга киритилдики, бу халқимиз турмуш тарзини янада яхшилаш, халқ фаровонлигини ошириш борасида Республикамиз ҳукумати олиб бораётган оқилona сиёсатининг самарасидир.

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 1 жилд. Тошкент, 2000 –Б.444.

² Раҳманов С. Асака. Тошкент, Ўзбекистон. 1999. –Б.35.

³ Андижоннома. 2009йил 27 март.

Хулоса

Хуллас, Ўзбекистоннинг қадимий ва навқирон шаҳарларидан бири Асакага мустақиллик ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётнинг бутунлай янги уфқларини очиб берди. Мустақиллик йилларида Асака тумани, жумладан, Асака шаҳри асрларга тенг буюк бунёдкорликни, улкан ўзгаришларни, маънавий-мафкуравий юксалиш даврини бодан кеирмоқда. Асака ҳозирда бутун республикамізда кўзга кўринган энг салоҳиятли, нуфузли автомобилсозлар шаҳрига айланди. Барча-барча соҳаларда буюк яратувчанлик, эзгулик ишлари амалга оширилмоқда.

Дарҳақиқат, мустақиллик йиллари Асака шаҳри учун барча асакаликлар учун алоҳида ўсиш, улғайиш, ривожланиш йиллари бўлди. Бу ҳол айниқса шаҳар саноати юксалишида яққол намоён бўлди. Ҳозирда шаҳарда 29 та йирик саноат корхонаси мавжуд. Улардан 4 таси қўшма корхона, 20 таси ҳиссадорлик жамияти, 3 таси жамоа корхонаси ва 2 таси давлат тасарруфидаги корхоналар. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 99,8 фоизи нодавлат секторига тўғри келади. Бундан ташқари шаҳарда 792 та кичик ва ўрта корхоналар ҳамда фирмалар фаолият кўрсатмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан Асака шаҳрида “ЎзДЭУ авто” ҳозирги “GM-Uzbekistan” авто қўшма корхонасининг қурилиши шаҳарни том маънода саноатчилар шаҳрига хусусан автомобилсозлар шаҳрига айлантирди. Қадимда Давон давлатининг учқур отлари, самовий “арғумоқлари” парваришланган, суворийлар юрти бўлган Асака замнавий автомобилсозлар шаҳрига айланди.

Мустақиллик йилларида Асака шаҳри қиёфаси ниҳоятда гўзал тусга кирди-равон йўллар, кўркам бинолар, томашгоҳлар, сўлим хиёбонлар-сайлгоҳлар, истироҳат боғларию дам олиш масканлари бир-биридан гўзал фавваролар, намунавий турар жойлар, турли маиший иншоотлар барпо этилди. Бугунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус кўрсатмаси асосида Асака шаҳрини тубдан қайта қуриш (реконструкция қилиш) ишлари олиб борилмоқда. Ушбу бунёдкорлик ишларига 31,7 млрд сўм маблағ ажратилган. 2015 йилга келиб, шаҳардаги Умид, Шинам, Марғиноний, Карвонсарой, Тиллахон, Жалолиддин Румий, Юқори Асака, Иқбол, Гулистон, Бибихоним, Мардлик, Бинокор, Хумо каби кўчаларда кўплаб янги бинолар қад ростлайди. Бунинг учун 16,560 млрд сўм маблағ сарфланиши белгилаб қўйилган. Бугунда ушба жойларда кенг кўламда қурилиш ва бунёдкорлик ишлари олиб борилмоқда.

Хулоса қилиб шуни айтмоқчимизки қадимий ва навқирон Асака ҳамиша тилларда дoston бўлиб келган. Мустақиллик даврига келиб у алоҳида ўсиш, улғайиш ва ривожланиш босқичига кўтарилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол... Т. 1. - Т., 1996.
2. Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6.-Т., 1998.
3. Каримов И.А Андижон аҳлининг ташаббускорлиги, азму шижоати ва жасоратини халқимиз юксак қадрлайди. ANDIJONNOMA: 2003 йил, 5 декабрь
4. Каримов И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16. –Т.: Ўзбекистон, 2008
5. Каримов И А Юксак маънавият- енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008
6. Андижон шоир ва ёзувчилари. Иккинчи китоб. –Андижон: Ҳаёт, 2004

7. Аҳмедов Э., Саидаминова З. Ўзбекистон Республикаси (Қисқача маълумотнома).-Т.: Ўзбекистон, 1995
8. Аҳмедов Б. Историко-географическая литература Средней Азии. XVII-XVIII вв. (письменное памятники). Ташкент. 1989.
9. Бегматов А. Асака номи қаердан олинган?. Андижоннома газетаси. 1996 йил 13 август сони
10. Зарипов Б. Илм-истиклол таянчи.//Халқ сўзи.-1994, 23-февраль.
11. Зиёев Ҳ. Истиклол-маънавият негизи.-Т.: Маънавият, 1999
12. Ибрат. Фарғона тарихи.Тошкент, Камалак. 1991.
13. Исомиддинов Ш., Усмонов Б. Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. Фарғона, 2009
14. Йўлдошев Ж. Ўзбекистон Республикаси таълим тараққиёт йўлида.-Т.:Ўзбекистон, 1994
15. Махмудов Ю., Икромов А., Тўраев А. Таълим ислоҳоти-маънавий эҳтиёж ва ижтимоий зарурат.//Халқ таълими.2000, №5
16. Мусурмонова О. Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси.-Тошкент: Ўқитувчи, 1996.
17. Матбобоев Б.Х. Фарғонанинг самовий тулпорлари. Халқ сўзи. 1997 йил 8 март
18. Муҳаммад Азиз Марғилоний. Тарихи Азизий. Тошкент, Маънавият. 1999
19. Нишонова С. Маънавият дарслари.-Тошкент: Ўқитувчи, 1994.
20. Национальная модель подготовки кадров: влияние на развитие общества. –Ташкент: Университет, 1999
21. Национальная модель и программа по подготовке кадров-достижение и результат независимости Узбекистана.-Ташкент, Маърифат, 2001
22. Набиев А., Хурилов Т. Бобур тавоф айлаган диёр. Тошкент, Меҳнат, 1993
23. Национальная программа по подготовке кадров: результаты и перспективы реформ. Материалы международной научно-практической конференции.-Ташкент, Молия, 2000
24. Олимжонов О ва бошқалар. Ўзбекистон ҳудудлари мустақиллик йилларида.-Т.: Шарқ, 1996
25. Очилов С. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. –Тошкент, Ўқитувчи, 1998
26. Раҳмонов С. “Асака”. Тошкент, Ўзбекистон. 1999 й.
27. Раҳимов О. Қайрағочариқ қишлоғи. Андижон. Андижон нашриёти. 2001
28. Сафо Очил. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари.-Тошкент: Ўқитувчи, 1997.
29. Статистика Давлат департаментининг маълумотномаси.
30. Таксанов А. Экономическая модель образца 1999 года //Экономический вестник Узбекистана. -2000. - № 2.
31. Туленов Ж., Ғофуров З. Мустақиллик ва миллий тикланиш. Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
32. Турсунов И. Илм-истиклол чироғи. //Маърифат.-1994. 30 март

33. Тюриков В., Шоғуломов Р. Мустақил Ўзбекистон Республикаси. Унутилмас воқеалар ва саналар (1991-1996).- Т.: Ўзбекистон, 1998
34. Комилов Т. Асакалик азаматлар. Андижон. 1998
35. Усмонов Қ., Ғаниев Д. Ўзбекистон: мустақиллик одимлари. –Т.: Ўзбекистон, 1995
36. Усмонов Қ. Ўзбекистон тарихи. Миллий истиқлол даври. Тошкент, Ўқитувчи. 2008
37. Фарғона водийси тарихи муаммолари мавзуидаги республика илмий анжумани материаллари. –Наманган, 2012
38. Файзуллаев Т. Ўзбекистон янги йўлда.-Т.: Ўзбекистон, 1993.
39. Хамидов Х. Ўзбек аъанавий қўшиқчилик ва ёшлар тарбияси.-Тошкент: Ўқитувчи, 1996.
40. Шамсутдинов Р. ва бошқалар Қўхна ва навқирон Андижон. Тошкент, SHARQ. 2010.
41. Шамсутдинов Р., Исҳоқов А. Андижон тарихидан лавҳалар. Тошкент. SHARQ. 2013.
42. Шамсутдинов Р.Т. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожиаи оқибатлари. Тошкент. Шарқ. 2001.
43. Шамсутдинов Р.Т. Қишлоқ фожияси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида) Тошкент, Шарқ. 2003.
44. Шокаримов С., Султонов А. Жаннатмакон Андижон.- Т.: Тошкент Ислон университети, 2002.
45. Шукуров У., Муҳитдинов З. Андижон шоир ва ёзувчилари.(иккинчи китоб) –Андижон: Ҳаёт, 2004.
46. Шониезов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. Тошкент. Шарқ. 2001
47. Эшов Б. Ўзбекистонда давлат ва маҳаллий бошқарув тарихи. Тошкент. Янги аср авлоди. 2012
48. Эгамбердиев М. Сарик аждар ҳамласи. Тошкент. Ғ Ғулом 1988
49. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Биринчи китоб. Туркистон Чор Россияси мустанлакчилиги даврида. Тошкент, Шарқ. 2000
50. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. –Т.: Шарқ, 2000.
51. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига - 50 йил. -Т.: Фан, 1993
52. Ўзбекистон миллий таълим тизимини яратиш йўлида. –ТошДУ қошидаги Олий педагогика институти илмий-амалий конференция материаллари.-Тошкент, МЧЖ “Ис-мак”, 1997
53. Қодиров Б. Таълим тизимидаги ислохотлар, мақсад ва йўналишлар.-Тошкент, Ўқитувчи, 1999
54. Қурбонов Ш., Саидов Х., Ахлиддинов Р. Мечта о совершенном поколении –Тошкент, Шарқ,1999
55. Қурбонов Ш., Сейтхалилов Э. Кадрлар тайёрлаш миллий модели: XXI асрни қўзлаб. //Халқ таълими 1998, 4-сон

56. O'gmonov A. Andijonim. Risola. –T.: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2001

Архив материаллари

57. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари. 1993, 27 май
58. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. - Т., 1993. - № 6.
59. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. Тошкент., 1992. №9.
60. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. –Тошкент, 1995, №28.
61. Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба юшмаси III-Қурултойи делегатларининг музокара сўзлари тўплами. 1-жилд, -Т.: Фан, 2005
62. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги тасарруфидаги жорий материалардан
63. Ўзбекистон миллий энциклопедияси: - Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат миллий нашриёти, 2000.
64. Ўзбекистон тарихи: 11 синф учун дарслик. –Б.254
65. Асака тумани хокимлиги жорий архиви. 2000 йил 13 декабрь йил якунлари ҳисоботи.
66. Асака шаҳар халқ таълими бошқармаси. Жорий архиви 2002 йил ҳисоботи.

Даврий матбуот материаллари

67. Ўзбекистон овози. – 1997, 30 август
68. Андижоннома, 1998, 20 июн
69. Андижоннома, 1998, 20 июн.
70. Халқ сўзи, 1999, 15 декабр
71. Асака оқшоми. 1999 йил 28 декабрь.
72. 89. Асака ҳаёти. 1998 йил 7 декабрь.